Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 142 (20. 709) • 1990 йил 23 июнь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

РСФСР Коммунистик партиясининг таъсис съезди тўғрисида АХБОРОТ

1990 йил 21 июнь куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида РСФСР Коммунистик партиясининг таъсис съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлис КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, СССР Олий Советининг Раиси А. И. Лукьянов раислигида ўтди.

Съезд делегатлари РСФСР Коммунистик партияси фаолиятининг қондалари, унинг тузилиши ва раҳбар органларини шакллантириш тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилдилар.

Кенг ва амалий мунозара натижасида таъсис съезди умуман РСФСР Коммунистик партиясини тузиш тўғрисида қарор ва унинг тузилганлигини эълон қилувчи Декларацияни қабул қилди.

Сўнгра съезд қатнашчилари РСФСР Коммунистик партияси таъсис съезднинг иттифоқдош республикалар Коммунистик партияларига мурожаатномасини қабул этдилар.

Кечки мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби, СССР Президенти М. С. Горбачев раислик қилди.

Делегатлар мунозара якунида «Ҳозирги пайт ва РСФСР Коммунистик партиясини тузиш тўғрисида», «КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисида», «КПСС Уставининг лойиҳаси ҳақида» қарорлар қабул қилдилар.

Айни вақтда таъсис съезди ишининг биринчи босқичида муҳокама қилиш учун унинг кун тартибига қуйидаги масалаларни қўшимча равишда киритишга қарор қилинди:

РСФСР Коммунистик партиясининг раҳбар органларини сайлаш.

РСФСР Компартиясининг матбуот органлари ҳақида.

Сўнгра РСФСР Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимига сайлаш учун номзодлар кўрсатилди ва муҳокама қилинди.

СЪЕЗД ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

РСФСР Компартиясининг таъсис съезди 21 июнь эрталабки мажлисида А. И. Лукьянов раислигида партияни ташкил этиш тўғрисидаги қарор муҳокамасини давом эттирди. Партиянинг раҳбар органлари ва янги Компартияни тузиш ҳақидаги Декларацияга доир масалалар диққат марказида бўлди.

Бу ҳужжатлар таҳрир комиссиясига қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун юборилганлиги маълум. Комиссия раиси Ю. А. Прокофьев тушган таклифларни таҳлил этиб, комиссиянинг хулосалари ҳақида маълумот берди. Бу хулосалар мазкур қарорга турли-туман низом қоидаларини киритиб, уни кенгайтиравермасдан, балки унга таъсис съездидаги масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган жиҳатларнигина киритишдан иборат.

Ҳужжатнинг учинчи бандини қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф этилди: «Таъсис съезди биринчи котибни, РСФСР Компартиясининг Марказий Комитети ва назорат комиссиясини сайлайди. РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини тузиш зарур, деб топилсин». Қарорни муҳокама қилиш пайтида айни шу банд айниқса узоқ баҳсларга сабаб бўлди. Жуда турли-туман фикрлар айтилди. Таъсис съездида Марказий Комитетнинг биринчи котиби лавозимига номзодларни ва контрол комиссиясини кўрсатиш, аммо уларни бошланғич ташкилотларда сайлаш таклиф қилинди ёки: биринчи босқичда ташкилот комитетини тузиш, қолган ҳамма масалаларни эса иккинчи босқичда — XXVIII съезддан кейин ҳал қилиш ҳақида ҳам таклиф тушди.

Бир қанча делегатлар Марказий Комитет таркибининг учдан бир қисми муқобиллик асосида коммунистларнинг анжуманида яширин овоз бериш йўли билан сайлансин, қолган учдан икки қисми эса белгиланган нормага асосланиб, регионлардаги партия ташкилотларида сайлансин, деган фикрни айтдилар.

М. С. Горбачев баҳснинг моҳияти ҳақида гапирди. Партияни таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, Декларация тасдиқланиши биланоқ, деди у, биз съезднинг навбатдаги босқичи кун тартибини муҳокама қилишга киришамиз, делегатлар кўтариб чиққан ҳамма масалалар мана шу кун тартибига киради. Уларни қандай қилиб ва қачон, қайси қоидаларга биноан сайлаш масаласи айни ўшанда батафсил кўриб чиқилиб, қабул қилинади.

Фикрлашиб олинганидан кейин қарорнинг бу банди бир қанча таклифларни, шу жумладан съездда назорат комиссиясининг раисини сайлаш тўғрисидаги қўшимчани ҳисобга олиб қабул этилди.

Қарорнинг навбатдаги банди РСФСР Компартиясининг янги сайланган Марказий Комитетига таъсис съезднинг иккинчи босқичи кун тартиби ва уни ўтказиш муддатлари юзасидан таклифлар тайёрлаш тўғрисидаги банд хусусида унчалик эътирозлар бўлмади ва бирмунча тузатишлардан кейин қабул этилди. Сўнгра қарор тўла-тўкис қабул қилинди.

Делегатлар РСФСР Коммунистик партияси таъсис съезди Декларациясининг лойиҳасини кўриб чиқишга ўтдилар.

Овоз бериш натижасида ҳужжат лойиҳаси асос учун қабул этилади ва у синчиклаб муҳокама қилина бошлайди. Делегатлар дастлабки матнга бир қанча мулоҳаза, таклиф ва қўшимчалар киритишди, уларнинг аксариятига кўпчилик дарҳол рози бўлди, бир қанча таклифлар юзасидан қизғин мунозара авж олиб кетди.

Жумладан, гўё партия бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳукумат таклиф қилган концепциясини ишлаб чиқишдан четда қолди, деган фикр айтилди.

М. С. Горбачев бу даъвони қатъиян рад қилди. У луқма ташлаш учун сўз олиб, бундай гап-сўзлар «Марказий Комитетдаги ва партиядаги ҳамма ишлар ҳам жойида эмас», деб кўрсатиш мақсадини кўзлайди, деди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари туб иқтисодий ислоҳот КПСС Марказий Комитетининг Пленумида қўллаб-қувватланганини, бу ғоя ақолининг турли табақалари вакиллари билан кўпдан-кўп масалаҳатлашув ва кенгашлар натижасида батафсил баён этилганини эслатиб ўтди. Бозор ғояси «осмондан тушгандек бўлди» деб ҳисоблаш ва уни кимдир ўйлаб чиқариб, тунги тўнтариш тарзида мамлакатни йўлдан оздириш учун таклиф қилди, деб айтиш — туҳматдир. Янги иқтисодий стратегия партиянинг ғоясидир, қайта қуришнинг энг катта ғояларидан биридир, деди у.

М. С. Горбачев ҳукуматнинг бозор иқтисодиётига ўтиш программаси шанига парламентда, матбуотда ва жамиятда айтилган танқидий мулоҳазаларни ҳаққоний деб тан олиб, ҳозир у қўшимча равишда ишлаб чиқилмоқда ва тайёр бўлганидан кейин уни жамият, партия, Марказий Комитет Пленуми муҳокамасига қўйиш кераклигини айтди. Кимдир гўё мамлакатни пинҳона капиталистик йўлга солиб юбормоқчи деб гумон қилиш керак эмас, деб таъкидлади у. Раҳбариятнинг бутун фикри-зикри турмушнинг янги шаклларини топишдан, жамиятимизни ҳимоя қилишдан, одамларимизнинг турмушини яхшилашдан иборат. Аммо бу ишни кечиктирмай қилиш керак, чунки халқнинг сабр косаси тўлиб-тошиб турибди, деди у.

РСФСР Коммунистик партияси таъсис съезди Декларациясининг матни қабул этилган ҳамма қўшимча ва мулоҳазаларни эътиборга олиб овозга қўйилсин, деган таклиф киритилади. Декларация кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Таҳрир комиссиясининг раиси РСФСР Компартияси таъсис съезднинг иттифоқдош республикалар Коммунистик партияларига мурожаатномаси матнини ўқиб эшиттирди, бу мати делегатларнинг топшириғига биноан тайёрланган. Батафсил муҳокама қилинганидан кейин ҳужжат қабул этилди.

Съезд РСФСР Компартиясининг раҳбар органларини сайлашга, республика Компартиясининг матбуот органлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга ва муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан қарор қабул этишга қарор қилди.

Кечқурунги мажлисда раислик қилган М. С. Горбачев делегациялар вакилларининг кеча бўлиб ўтган кенгашида биринчи котиб масаласи хусусида айтилган мулоҳазаларни маълум қилди. Муҳокама давомида В. В. Бакатин, Б. В. Гидаспов, И. Н. Дьяков, В. А. Купцов, Н. И. Мальков, Ю. А. Манаенков, А. Г. Мельников, И. К. Полозков, Ю. А. Прокофьев, Н. И. Рижков, Е. С. Строев, О. С. Шенин номзодлари тилга олинди, деди у. Таклиф этилган номзодларнинг кўпчилиги: В. В. Бакатин, Б. В. Гидаспов, И. Н. Дьяков, Н. И. Мальков, Ю. А. Манаенков, И. К. Полозков, Ю. А. Прокофьев, Н. И. Рижков ва Е. С. Строевлар ўз номзодларини дарҳол қайтариб олдилар.

Съезд номзодлар кўрсатишни давом эттиришга қарор қилди. Номзодлар кўрсатиш шу қадар активлашиб кетдики, ҳатто ўндан кўп нотиқ сўзга чиққанидан кейин ҳам делегатлар номзодлар кўрсатишга чек қўйиш тўғрисидаги таклифни дарров қабул қилмаганликларини айтиб ўтмоқ керак. Уларнинг баъзилари ўз номзодларини кўрсатмасликни сўраган кишилар фикрига асло қўшилмадилар. Бошқалари эса партия Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимига янги ўртоқларнинг номзодларини кўрсатдилар. Натижада янги рўйхат вужудга келди: унга СССР ички ишлар министри, Президентлик Кенгашининг аъзоси В. В. Бакатин, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири В. А. Купцов, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. А. Манаенков, КПСС Кемерово область комитетининг биринчи котиби А. Г. Мельников, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи котиби И. К. Полозков, КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи котиби О. С. Шенин, шунингдек Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби О. И. Лобов, КПСС Мари область комитетининг биринчи котиби Г. А. Посибеев, С. Оржоникидзе номли Москва авиация институтининг доценти В. Н. Лисенко, ленинградлик ишчи Н. А. Половодов, РСФСР ички ишлар министри В. П. Трушин, СССР Давлат меҳнат ва иҳтимоий масалалар комитетининг раиси В. И. Шчербаков киритилди. Улардан В. В. Бакатин, Ю. А. Манаенков, В. И. Шчербаков, В. П. Трушин ва Г. А. Посибеевлар турли сабабларга кўра ўз номзодларини қайтариб олдилар. Шундай қилиб, етти номзод съезд муҳокамасига қўйилди.

Кечки мажлисда В. А. Купцов, А. Г. Мельников, О. С. Шенин, И. К. Полозковлар ўз программаларини баён этишга улгурдилар. Улар кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтардилар.

Номзодларни муҳокама қилиш 22 июнда давом эттирилди.

(ТАСС).

• Меҳнат жамоаларида

• Қурилишлар учун

Қува районидаги 84-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари Чаман қишлоғида янги ғишт заводини фойдаланишга топширдилар.

Тўла қувватларда ишга тушган бу корхона йилига бир миллион пишиқ ва икки миллион дона хом ғишт ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди.

Ҳозир заводда 35 нафар ишчи икки сменада меҳнат қилаяпти. О. Холиқов, М. Аҳмедов, А. Мадраҳимов ва Қ. Усмонов сингари ишчиларнинг ғайрати туфайли кунига 25—30 минг дона ғишт ишлаб чиқаришга эришилаяпти. Тайёр маҳсулот «Анор» совхозидаги янги қурилаётган уйлар, «Гулистон» қишлоғидаги мактаб биноси, Навоий номли ва «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларидаги қатор объектлар қурилишига пешма-пеш жўнатиляпти.

Ў. ХАЛИЛОВ,
Фарғона области.

• Ишчиларга имтиёз пули

«Андижонирстрой» трестининг Марҳамат районидаги механизациялашган кўчма колоннаси меҳнат жамоалари кенгашининг қарорига кўра, шу жамоада ишлаб пенсияга чиқаётган кишиларга рағбатлантирувчи имтиёз пули берила бошланди.

Жумладан, коллективда 15 йил давомида нуқсонсиз ишлаган киши пенсияга чиқиш вақтида бир йўла 15 маош миқдорида, 30 йил меҳнат қилган бўлса, 30 маош миқдорида моддий ёрдам пули оладиган бўлди.

Кўчма колоннада ёш ишчилар иҳтимоий аҳволини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Ўтган йили 10 та ёш оилага олинган фойда ҳисобидан уй қуриб олиши учун 1,5 минг сўмдан процентсиз қарз берилди. Мазкур ссудани қайтариш жараёнида оилада бир фарзанд туғилса қарзнинг 500 сўми, икки фарзанд туғилса 1000 сўмини кечиб юборишга қарор қилинди.

Бундай ғамхўрликлар жамоа иш фаолиятида сезиларли ижобий натижалар беряпти. Масалан, кейинги икки йил ичида колоннада қўнимсизликка барҳам берилди. Олинган фойда миқдори эса қариб икки бараварга ортди.

К. НИШОНОВ,
Андижон области.

• Хирмон юксалмоқда

● КПСС XXVIII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдирган Нишон районидаги С. Альенде номли 3-совхоз ғаллакорлари дастлабки меҳнат зафарини қўлга киритдилар.

Давлат қабул пунктига 630 тонна ўрнига 840 тоннадан ортиқ дон топширилди.

Мавжуд 420 гектар ернинг ҳар гектаридан ўриб-янчиб олинган ҳосил 28-30 центнерданга тўғри келмоқда. Ғаллани нест-нобуд қилмасдан ўриб-янчиб олишда Б. Бекназаров, М. Абраев, Э. Қувонов сингари комбайнчилар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

М. КАРОМОВ.

УЧУВЧИЛАР КЎМАКЛАШМОҚДА

Гагарин районидаги «Правда» совхози шоличиликка ихтисослашган йирик хўжаликдир. Совхозда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун алмашлаб экишга жиддий эътибор берилмоқда. Бу йил шолизорлар 227 гектарга камайтирилди. Бироқ шоликорлар ялпи ҳосил миқдорини камайтиришмоқчи эмас. Бунга улар ҳосилдирликни ошириш ҳисобига эришмоқчилар.

Шолизорларни ўғитлар билан озиқлантириш ишида хўжалик аъзоларига Термиз авиакорхонасининг учувчилари яқиндан ёрдам беришади.

Суратларда: хўжалик бош агрономи Абди Қамбаров учувчиларга зарур маслаҳатлар бермоқда; шолизорларни самолётда озиқлантириш пайти.

И. ҲУЖАЕВ суратлари [ЎзТАГ].

• КПСС XXVIII съезди делегатлари

Бўстонлиқ районидаги Ғазалкент қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Исмат Ортиқов номзодини корхона коммунистлари партия XXVIII съездига делегат қилиб кўрсатишди. Тошкент вилоят партия конференцияси бошланғич ташкилот қарорини тасдиқлаб И. Ортиқовни съездга делегат этиб сайлади.



ТОШТАРОШ ДИЛИДАГИ СЎЗЛАР

Ўрта бўйли, хушчақчақ бу йигитни илгаритдан танирдим. У ҳар куни ишга кетаётганда ва ишдан қайтаётганда эшигимиз олдидан ўтарди. Бироқ бу киши Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати, ташаббускор ишчи Исмат Ортиқов эканлигини билмасдим. Газетадан унинг КПСС XXVIII съездига ҳам вакил қилиб сайланганлигини ўқиб, моҳир тоштарош билан учрашишга қарор қилдим.

Корхонада менга ҳар куни кўчамиздан ўтадиган ўша йигитни Исмат Ортиқов деб таништиришди. Аввалдан кўз таниш бўлганлигимиз учунми, суҳбатимиз дарров жонланди. У корхона фаолияти ҳақида мен билган ва билмаган анча янгиликларни гапириб берди.

Ғазалкент қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмаси асосан мармар ва гранит плиталари тайёрлайди. Унинг маҳсулотлари Москва, Ленинград, Тошкент каби кўплаб шаҳарлардаги музейлар, санъат саройлари ва ер ости темир йўллари бекатларини безаб турибди. Бироқ жамоа ишлари мармар плиталари сингари силлиқ бораётгани йўқ. Ишлаб чиқариш самарадорлигини жамоа манфаатдорлигини оширишга халал бераётган тўсиқлар, муаммолар кўп. Делегатни ҳам асосан ана шулар ташвишлантирарди.

— Бизда кўпдан кўп қарорлар қабул қилинади-ю, лекин уларнинг амалий иҳроси назорат қилинмайди, — дейди Исмат Ортиқов куюниб. — Масалан, меҳнат коллективлари, ижара ҳақидаги қонунларни кўринг. Бари яхши гаплар. Бироқ бу қонунлар ҳаётда катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Шу йил 1 июлдан бирлашмамиз ижара усулига ўтиб ишлаши режалаштирилганди. Бу иш ҳанузгача ижобий ҳал этилмаяпти.

Корхонадаги дастгоҳларнинг барчаси технологик жиҳатдан эскирган. Уларни созлаш, янгилари билан алмаштириш учун маблағ керак. Бироқ бирлашма даромадининг атиги 3 фоизигина ўзимизда қолади. Бу маблағни корхонани реконструкция қилишга сарфлаймизми ёки социал-маданий-маиший объектлар, турар-жойлар қурилишига-ми? Деярли 1985 йилдан буён таъминот органларидан дастгоҳларимиз учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ололмаймиз. Ахир, катта қийинчиликлар билан олинган «Метиза» деган дастгоҳни ўрнатиш учун мурватларни нақ Волгограддан келтирганимиздан сўнг буёғи нима бўларди дейсиз.

Суҳбатимиз мавзуи Ўзбекистон Компартияси XXII съезди якунлари, партиянинг бугунги мавқеига кўчди.

— Очиғини айтсам, съездаги ҳисобот маърузасидан жуда хурсанд бўлдим. У бошдан оёқ ватанпарварлик, жумҳуриятимизга ва одамлар тақдирига ғамхўрлик туйғуси билан йўғрилган. Жумҳуриятимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш биз каби моддий бойлик яратувчиларнинг самарали меҳнатига боғлиқ. Мамлакатдаги иқтисодий тангликни бартараф этишнинг ҳалол, фидокорона меҳнат қилишдан бошқа йўли йўқ. Митингбозлик, бақириқ-чақириқлар билан иш битмайди.

Шунингдек, жумҳуриятимизнинг барча табиий бойликлари, ер-сув ва бошқа ресурсларига ўзимиз хўжайин бўлсаккина, улардан оқилона фойдаланишимиз мумкин. Ҳозир эса бундай эмас. Ўзимиз пахта экиб, кўпинча ип ғазламага ёлчимаймиз, олдимиздаги газ кони қувурлар билан Уралга олиб кетилади-ю, ўзимиз ғўзапоя ёқамиз. Энг алам қиладигани Сибирдаги нефть, газ эса чет элга сотилади.

Агар имкони туғилса XXVIII съездда ҳам ана шу масалаларни кўндаланг қўймоқчиман.

У жим қолди. Суҳбатга берилиб, атрофдаги шовқин-суронни унутган эканман. Цехда иш қизғин борарди. Тошни сайқалловчи, силлиқловчи дастгоҳлар тинимсиз ишлайди. Нарироқда тош арралаш дастгоҳлари гувиллайди. Ишчилар сув кечиб юришибди. Ҳа, тош кесиш ва сайқаллаш дастгоҳлари фанинг фикрича, корхона мустақил фаолият кўрсатгандагина бу муаммоларни ҳал қилиш имконияти туғиларкан.

— Партия сафидан ўз ихтиёри билан кетаётган одамлар ҳақида нима дейсиз?

— Менимча, бу масалани бирёқлама тушуниш ярамайди. Яқинда тошкентлик бир ишчи билан гаплашиб қолдим. У партия билетини топширибди. Таажжубланган эдим, шароитини сўзлаб берди. Жўжабирдек жон экан. Хотини касалманд, оилани бир ўзи боқаркан. Маошидан ҳар ойда 5—6 сўм аъзолик бадалига тўларкан. «Озиқ-овқат, кийим-бош танқис бир шароитда бу пулга бир кило гўшт олганим маъқул эмасми? Партия олдида виждоним пок, партиясиз бўлсам ҳам ҳалол яшайвераман. Бироқ ана шу мен тўлаётган аъзолик бадаллари кимларнидир қутуртириб юборганига тоқат қилолмайман», дейди.

Кўрдингизми? Партия ходимлари орасида ўзини обрўсизлантириб қўйган кишилар оддий коммунистларнинг кўнглини чўктириб юборди. Қолаверса, КПСС XXVIII съездида аъзолик бадаллари миқдорини камайтириш тўғрисида аниқ бир қарорга келиш керак, деб ўйлайман.

Исмат Ортиқовни қуйидаги сўнгги саволим бироз ўйлантириб қўйди: — **Сизнингча мамлакатни иқтисодий ва сиёсий инқироздан қутқазиш йўллари қандай? Эртанги кунимизга умид билан боқасизми?**

— Биласизми, — деди у бироз кулимсираб, — менимча, бизда ҳозир мустаҳкам интизом етишмайди. Демократия деб шофёрлар иш ташласа, учувчи ва темирйўлчилар митингбозлик қилса, колхозчилар далага чиқмаса, бизни ким боқади, биз учун ким ишлайди? Э, олдин ишингни дўндириб қўй, кейин масала талаш! Билмадим, бу гаплар балки баъзиларга хуш келмас. Лекин ўзингиз ўйлаб кўринг, эртага новвойлар иш ташласа нима бўлади? Назаримда, биз демократияни анархияга айлантириб юборяпмиз. Давлат ва меҳнат интизоми, шунингдек, партиявий интизомни ҳам мустаҳкамлаш зарур. Иқтисодимиз изга тушгач эса турли низоларга ўз-ўзидан ўрин қолмайди.

Эртанги кунимизга умид билан боқаман. Ҳаётимиз яхшиланиши керак. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Бунинг учун барча ишлар қилиняпти. Энг муҳими, иттифоқдош республикалар орасидаги барча алоқаларни тенг ҳуқуқлилик асосида йўлга қўйишга интилиш бор. Бу жумҳуриятлар ўртасида ижтимоий адолатнинг тикланиши, демакдир. Адолат эса доимо ўзи билан рўшнликни, тўкин-сочинлик ва аҳиллиқни олиб келади.

Тоштарош ишчи билан хайрлашар эканман, унинг фикрлари тиниқ, мақсади аниқлигидан мамнун бўлдим.

В. САЙДАЛИЕВА.
Ғазалкент шаҳри, Тошкент области.

ЧОРВАЧИЛИК ХАБАРЛАРИ

ХАШАК ТЎПЛАШ ҚИЗҒИН

● Нуроталик чорвадорлар айни пайтда мўл-кўл озуқа базаси яратиш мақсадида меҳнат қилмоқдалар. Ишчи кучи ва мавжуд техника далаларга тўла сафарбар этилган.

Ҳозир район хўжаликларида 74 та ўриш, 34 та хашак тўплаш, 39 та тойлаш агрегатлари, 6 та КИР-1,5, 196 та трактор тўла қувват билан ишлатилмоқда.

Шу кунларда иш конвейер усулида олиб борилмоқда. Мавжуд 1633 гектар беда ўроқдан чиқарилди. Айниқса, «Ғозғон», «Нурота» ва Ленин номли хўжаликларда хашак тўплаш ишлари кўнгилдагидек бермоқда.

Жорий йилда район чорвадорлари 33 минг тонна хашак тўплаши планлаштирилган. Улар вазият ва имкониятларни чамалаб чиқиб, бу йил икки йиллик хашак жамлаш учун курашмоқдалар.

А. НОРБОЕВ.

ЯРИМ ЙИЛЛИК РЕЖА ТАЙЁР

● Ховос районидаги Тимирязев номли совхоз чорвадорлари давлатга сут сотиш ярим йиллик планларини муддатидан илгари бажардилар.

Пландаги 204 тонна ўрнига 206 тонна серқаймоқ сут сотилди.

Бу муваффақиятда говмишлардан кунига 9-10 килограммдан сут соғиб олаётган У. Жумаева, З. Остонақулова, Ў. Қодирова, К. Муллажонова каби «оқ чашма» соҳиблари, шунингдек, У. Раҳмонқулов, Н. Ҳолмирзаев, О. Алиқулов сингари молбоқарларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Т. ОСТОНАҚУЛОВ.

ТАСС ахбороти

Ернинг сунъий йўлдошларидан фойдаланиб ишлатиладиган алоқа ва телевизион кўрсатувлар системаларини янада ривожлантириш режасига биноан 1990 йил 21 июнь куни Совет Иттифоқида «Протон» учирувчи ракетаси ёрдамида Ернинг навбатдаги «Горизонт» алоқа йўлдоши учирилди:

Йўлдошда одатдаги системалардан ташқари «Маяк» передатчиги ўрнатилган. Бу ускуна янги частоталар диапазонини ўзлаштириш ва космик алоқанинг истиқболли системаларини вужудга келтиришга бағишланган «Интеркосмос» программаси доирасида олиб борилаётган ишларни давом эттириш учун мўлжалланган.

«Маяк» передатчигини Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Совет Иттифоқи, Чехия ва Словакия Федератив Республикасининг мутахассислари биргаликда ишлаб чиққанлар.

«Горизонт» йўлдошида ўрнатилган ускуналар норма ишлаб турибди. Буйруқ бериш—Улчов комплекси йўлдошни бошқарялти.

Йўлдошнинг алоқа ва телевизион ускуналаридан белгиланган режага мувофиқ фойдаланилмоқда. «Маяк» передатчигининг сигналлари «Дубна—Интеркосмос» йўлдош алоқаси халқаро экспериментал марказ (СССР)да ва ГДРдаги миллий полигонда қабул қилиб олинади.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси

МАЖЛИСЛАР КУНДАЛИГИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг «Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва оилани мустаҳкамлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳақида сессияда соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимий комиссиясининг раиси депутат **Ҳ. М. Усмонова** маъруза қилди.

Маърузани муҳокама қилиш учун Самарқанд область Оқдарё районидаги Болта қишлоғи 26-ўрта мактабининг муаллимаси депутат **О. Ж. Маматовага** биринчи бўлиб сўз берилади.

— Турмушимизда пайдо бўлаётган ҳамма муаммолар бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Чунончи, ушбу сессияда муҳокама қилинаётган масалалар ҳам оилани мустаҳкамлаш билан ва хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи билан боғланган. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларини кўтарганда келгусида бозор иқтисодиётига ўтилишининг таъсири ҳақида ўйламасдан бўлмайди.

Бизнинг районимизда 70 минг киши яшайди. Шундан 42 минг киши болалар ва 17 ёшга етмаган йигит-қизлардир. Бинобарин, аҳолининг ярмидан кўпроғи онанинг меҳрига муҳтож. Депутат сифатида мен уларнинг кўпдан-кўп муаммоларини жуда яхши биламан. Кейинги вақтларда бозор иқтисодиётига ўтилмоқчи эканлиги муносабати билан кўп болали оналар менинг қабулимга келмоқдалар. Улар, башарти бозор иқтисодиётига ўтиш зарур бўлса, агар нарх-навони оширмасдан иш тутишнинг иложи бўлмаса, у ҳолда автомашиналар, гиламлар ва бошқа зеб-зийнат буюмларининг нархларини ошира қолишсин, шу гапни ҳукуматга айтиб қўйинг, деб илтимос қилмоқдалар. Бироқ ун билан ёғнинг нархини зиҳор ошира кўрманглар. Биз асосан шу маҳсулотлар билан тирикчилик қиламиз ва фарзандларимизни шулар билан боқамиз, дейишмоқда. Агар бозорга ўтиладиган бўлса, нархларнинг ошишини қоплаш учун 30-40 сўмдан пул олар эканмиз. Бунда районимизнинг ўзигагина ҳар ойда икки миллион сўмдан кўпроқ пул керак бўлади, дейишмоқда улар. Шунча маблағ қаердан олинади? Бу муаммолар кўпдан-кўп саволларни келтириб чиқармоқда. Бизнинг халқимизга қандайдир хайр-эҳсон бериш керак эмас, лоақал пахта етиштириш учун қилган ҳалол меҳнатимиз ҳақини беришса бас.

Биз «Сиҳат-саломатлик» комплекс дастури ҳақида кўп гапиряпмиз. Аммо бу дастурни тезроқ бажариш керак, ахир. Чунки оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммоси тобора кескин тус олмоқда. Биз бола тарбияси учун оналарга ҳақ тўлаш кераклиги ҳақида кўп гапиряпмиз-у, бироқ бу гаплар амалга ошмаяпти. Лоақал бола тарбиялашга кетган вақтни меҳнат стажига қўшиб бериш керак.

ТошПИ фалсафа кафедрасининг катта муаллимаси депутат **Т. М. Тўлаганова** сўз олади. У муҳокама қилинаётган ҳужжатга бир қанча тузатишлар киритишни таклиф қилади:

Башарти, аёлнинг ноғирон боласи бўлса, бу бола 18 ёшга етгунча, хатто она вақти-вақти билан ишлай олмаган бўлса ҳам, шу вақтнинг ҳаммаси унинг меҳнат стажига кириши керак. Башарти, бемор бола санаторийда даволанадиган бўлса, она у билан бирга бўлиши керак. Шу вақт ҳам меҳнат стажига кириши лозим.

Минтақамизнинг хусусиятлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Шунинг учун ҳам бизнинг лойиҳамиз Иттифоқ қонуни билан бир хил эканлиги кишини ажаблантиради. Ўлкамизнинг хусусиятларини эътиборга олиб, тегишли тузатишларни киритиш лозим. Биринчидан, 3 болали оилалар ҳам кўп болали деб ҳисобланиши ва тегишли имтиёзлардан фойдаланиши керак. Мамлакатнинг кўпгина минтақаларида худди шундай қилинган, қишлоқларда, шаҳарлардаги маҳаллаларда кичик-кичик корхоналарни кўпроқ барпо этиш керакки, уларда аёллар ўзгарувчи график асосида ишлай оладиган бўлсинлар.

Колхоз ва совхозларда аёллар учун етти соатдан иборат чекланган иш вақти белгиланиши лозим. Химиявий дорилар ишлатилган далаларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш тақиқлансин. Ёш болали аёллар учун ҳам қисқартирилган иш куни белгиланиши керак.

Олий минбарлардан биз хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш ҳақида кўп гапиряпмиз, деди ўз нутқида Қизилтепа районидаги «Бухоро» колхозининг аъзоси депутат **М. Холмуродова.** Бироқ уларнинг меҳнат шароитларини озгина бўлса-да яхшилаш, рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун кам иш қилинмоқда. Ҳозирча аёл киши эркаклардан икки, ҳатто уч баравар ортиқ ишламоқда. Чунки далада ишлашдан ташқари рўзғор юмушлари, оила ташвишлари ҳам унинг зиммасида.

Кейинги йилларда яқин қариндошларнинг никоҳдан ўтиши, шунингдек, ҳамма жойда химиявий дорилар кўплаб ишлатилиши оқибатида ноғирон болалар кўпроқ туғилаётганлиги сир эмас. Қонунда миллатимизнинг бўлажак авлодлари сиҳат-саломатлигини мана шу омиллардан пишиқ-пухта муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўзда тутиш зарур. Аёлларнинг аҳволини енгиллаштириш учун лоақал ҳафтада бир кунни чорвачиликда ишловчи аёллар учун, албатта, дам олиш куни деб белгилаб қўйиш, икки сменали иш режими жорий этиш, иш кунини икки-уч соат камайтириш ва, албатта, иш ҳақини камайтирмаслик керак.

Қува районидаги 37-ўрта мактаб ўқитувчиси депутат **А. А. Қаландаров** ўз нутқини кўп болали оилалар муаммоларига бағишлади. Ҳукумат бу оилаларга нисбатан тўғри, яхши қонунлар, қарорлар қабул қилмоқда. Бироқ улар бизга кўпинча кемтик ҳолда етиб бормоқда, жойларда ўзбошимчалик билан талқин этилмоқда. Масалан, кўп болалилар учун пенсиялар тўғрисидаги Қонунни олиб кўрайлик — бу пенсияларни тўлаш колхозларнинг гарданига юклаб қўйилган. Бунинг устига энг оз пенсия миқдорини белгилаш меҳнат стажига боғлиқ. Менинг сайловчиларим орасида қаҳрамон оналар кўп, уларнинг умуман стажи йўқ. Хўш, уларга пенсияни ким тўлайди ёки улар пенсия олиш ҳуқуқига муносиб эмасми?

Депутат жумҳурият Соғлиқни сақлаш министрлигидан касалхоналарда, пансионатларда қаҳрамон оналарни даволаш муаммосини чуқурроқ ўрганишни, уларни зарур дори-дармон билан таъминлашни йўлга қўйишни талаб қилди.

— Қорақалпоғистон АССРда 58 мингдан зиёдроқ кўп болали аёл бор. Шундан 9 минги Қаҳрамон она — деди шу мавзуни давом эттириб, Элликқалъа марказий район касалхонасининг кардиолог врачи депутат **П. Ражапова.** — Уларнинг ҳаммаси ғамхўрлик ва диққат-эътиборга муҳтож. Улар тиббий кўрикдан ўтказилган пайтда 65—70 фоизи турли-туман касалликларга чалинганлиги ва даволанишлари лозимлиги аниқланди. Бу аҳволнинг сабаби оғир меҳнатдан ташқари энг оддий шароитлар, маиший қулайликларнинг йўқлигидир. Орол экология фалокатининг оқибатларини ҳам шунинг ёнига қўшмоқ керак. Оналар учун имтиёзлар белгилаб қўйилган бўлишига қарамай, оила ва ижара пудрати жорий этилгач, болалар, аёллар ҳатто туғишдан олдинги отпускада бўлган аёллар ҳам дала ишларига жалб қилинаётганлиги ҳақида гапирмасдан ўтиб бўлмайди. Бу хусусдаги тақиқлар кор қилмаяпти. Чунки назоратнинг ўзи йўқ.

Нормал овқатланиш сиҳат-саломатликнинг муҳим шартидир, амалдаги қоидага кўра камқонлик дардига мубтало бўлган аёлларга гўшт, сут, ёғ олиш учун талонлар берилади. Аммо аёлларимиз шу талонлар бўйича ҳамиша ҳам бу маҳсулотларни ололмаяптилар.

Тошкент юк ташиш дирекцияси «Ўзбекистон» станциясининг бошлиғи депутат **А. Б. Емельянов** ўз нутқида сайловчи аёллар сессияда муҳокама қилинаётган муҳим масала юзасидан аниқ-равшан қарорлар қабул қилинишини кутаётганликларини таъкидлади.

Нотиқ қарор қабул қилинаётганида қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олишни депутатлардан илтимос қилди.

Биринчидан, балоғатга етмаган фарзандлари бўлган хотин-қизларнинг иш куни қанча давом этиши тўғрисида гап борган жойда иш кунини иш ҳақи сақланиб қолган ҳолда олти соат деб белгилаб қўйиш керак. Мабодо, бундай қарор қабул қилинмаса, унда бундай оналарга уй-рўзғор билан шуғулланишлари учун ҳафтасига бир бўш кун берилишини қайд этиш керак. Ахир, ҳатто хорижда ҳам дам олиш кунидан ҳордиқ чиқариш учун фойдаланадилар. Бизда эса, агар хотин кишига дам олиш куни берилса, у буткул уйрўзғор билан шуғулланади.

Иккинчидан, жумҳурият дам олиш уйлари ва санаторийларида таътил кунларида «Она ва бола» дам олишини ташкил этиш керак. Оржоникидзе районида бундай иш бошлаб юборилган. Бу ердагилар ҳозирнинг ўзидаёқ Сурхондарёдан, Гулистон тикувчилик фабрикасидан оилаларни қабул қилишмоқда.

Учинчидан, корхонада ўттиз йил ва ундан кўпроқ меҳнат қилган аёлларга уларнинг хоҳиши билан пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилиши керак. Айни вақтда иш ҳақининг 70 фоизи миқдорида табақалаштирилган нафақа — пенсия тўланиши лозим. Чунки ёши анчага бориб қолган кўпгина аёллар ўз фарзандларига набираларини тарбиялашда ёрдам қиладилар. Пенсия билан таъминланган бу аёллар ўз иш ўринларини ёшларга бўшатиб берадилар.

Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхозининг механизатори депутат **З. Рўзиматова** сўзга чиқади.

— Жумҳуриятимиз аҳолисининг қарийб 80 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Қишлоқдаги аёлларимизнинг юмушлари қай даражада кўплигини ҳамма билади. Улар тонг отгандан кун ботгунга қадар, дам олиш кунисиз ва байрамларсиз ишлашларига тўғри келмоқда. Яширишнинг ҳожати йўқ, биз аёллар учун шароитларни яхшилаш тўғрисида кўпроқ гапиряпмизу, аммо кам иш қилаяпмиз.

Аниқ таклифлар бор: колхоз ва совхозларда ишлаётган хотин-қизларнинг иш вақтини қонуний асосда қисқартириш зарур. Оналар ўзларининг кўп вақтларини оилага, фарзандларини тарбиялашга, соғлиқларини асрашга сарфлаган бўлур эдилар. Энди яна бир нарсани айтмоқчиман: жумҳуриятимизда соғлиғи заифлашган хотин-қизлар қўшимча пул олишмоқда. Бироқ бизнинг районда, масалан, дўконларнинг пештахталари бўм-бўшлигича қолмоқда. Аёллар ана шу олган пулларини тўғри сарфлашлари учун имкониятлари йўқ. Савдо соҳасидагилар ҳам, ҳукуматимиз ҳам бундай аҳвол хусусида қатъий ўйлашлари лозим.

— Бугун муҳокама қилинаётган масала жуда долзарб масала, — деди Фарғона шаҳар ижроия комитети халқ таълими бўлимининг мудири депутат **М. С. Хўжаев.** — Мен хотин-қизларнинг иш вақтини 20—30 фоиз қисқартириш керак, айни вақтда уларнинг иш ҳақи қисқартирилмаслиги зарур, деб ҳисоблайман. Хотин-қизлар ишлаши мумкин бўлмаган касблар ва корхоналарни қонун йўли билан қатъий тарзда чегаралаб қўймоқ лозим.

Ҳар бир корхонада йиллик кўрсаткичларга хотин-қизларнинг иш вақтини қисқартириш, уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш тадбирларини зикр этувчи махсус банд киритиш керак бўлади. Ёш оилаларни мустаҳкамлаш, қўйди-чиқдиларни камайтириш учун программага ёш оилаларга уларнинг уй-жой аҳволини ҳисобга олиб квартиралар ажратилишини киритиш керак.

Маълумки, яслиларда бир болани тарбиялаш учун 54 сўм сарфланади. Лекин деярли ҳамма ерда яслиларда жой етишмайди. Ўз болаларини уч йилгача уйда тарбиялашга рози бўлган аёлларга ойига 50 сўмдан пул тўлаш мумкин бўлур эди. Яъни оналар ўз фарзандларининг тарбияси билан шуғуллана олишлари учун барча шарт-шароитни яратишимиз керак.

— Мамлакатимиз ҳукумати, жумҳуриятимиз Президентининг оналик ва болаликни муҳофаза этишга, оилани мустаҳкамлашга, хотин-қизларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган яқиндаги қарорлари бизни қувонтиради, — деди Ангор районидаги Карл Маркс номли колхоз болалар боғчасининг мудираси депутат **Ш. М. Норбоева.** — Агар тўғрисини айтадиган бўлсак, бу ишда ҳали камчиликлар жуда кўп.

Сурхондарё вилоятининг Бойсун районида 240 ўринли она ва бола санаторийсининг лойиҳаси тайёрланганига беш йил бўлди. Афсуски, бошқа мақсадлар учун пул топилаётган бир вақтда ушбу қурилиш учун маблағ йўқ. Ўзбекистон Касаба уюшмалари кенгаши вилоятимизга зарур бўлган олти миллион сўмни излаб топишни топширади, вилоят эса бу вазифани районга узатади... Лекин районда бундай пул йўқ, шу сабабли у ерда умуман ҳеч нарсани ҳал қилмайдилар. Бинобарин, ушбу масалани кечиктирмай ҳал этиш ниҳоятда зарур.

Вилоятимизда 13 минг Қаҳрамон она, 5 фарзандга эга бўлган 63 мингдан кўпроқ аёл бор. Минглаб кўп болали оилалар автомашина, қурилиш материаллари, тикувчилик машиналари, рўзғор учун зарур бўлган бошқа буюмларни сотиб олишга навбатда туришибди. Меҳмонлар эса йил сайин камайиб бормоқда. Арзимаган дори-дармонлар ҳам танқис бўлиб қолди. Чалакамчатти тадбирлар билан аҳволни ўнглаб бўлмайди, туб қарорлар керак.

— Биз кўп йиллар мобайнида «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга» деган шиорни маҳрур айтиб келдик, — деди ўз нутқида Ғузор район марказий касалхонасининг бош шифокори депутат **С. Р. Сафарова.** — Аслидачи? Кейинги вақтдагина жумҳуриятимиз раҳбарияти оналик ва болалик муаммосига эътибор бера бошлади. Менимча, ушбу қарор лойиҳасида аниқ таклифлар етишмайди. Лекин, энг аввало, ўртоқ Мирсаидовга шундай савол бермоқчиман: оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир қарорни рўёбга чиқариш учун ҳукуматнинг пули борми? Ёки таклифларимиз яна қоғозда қолиб кетаверадими?

Модомики, биз хотин-қизларимизнинг чинакамига латофатли бўлишини хоҳласак, бунинг учун уларга шарт-шароит яратиб беришимиз, уларни кўпдан-кўп юмушлардан халос этишимиз зарур. Фарзандларимизни тарбиялаш муаммоси умумдавлат ғамхўрлигига айланмоғи даркор.

— Хотин-қизлар жумҳуриятимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил қилади, — дейди ҳарбий хизматчи депутат **Б. Н. Белоусов.** — Оилаларнинг ундан бир қисмида олти ва ундан кўп жон бор. Бола тарбияси билан шуғулланаётган аёллар меҳнатини ижтимоий фойдали меҳнат билан тенглаштиришни ва уларга тегишли нафақа тўлашни ёки кўп болали онани оналик болалар боғчасининг тарбиячиси сифатида расмийлаштириб, унга тегишли маош тўлашни таклиф қиламан. Бу кўп болали оилаларнинг муаммоларини ҳал этиш йўлларидан биридир.

Иккинчи томондан, агар биз соғлиқни сақлашни тўғри ташкил этолмасак, оналик ва болалик муаммоларини ҳал қилолмаймиз. Эски касалхоналарни реконструкциялаш ва янгиларини қуриш, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш керак, ана шунда болалар ўлими ҳам анча камаяди.

Қисқартирилган иш кунига келсак, бошланғич синфларнинг ўқитувчилари билан учрашганимда мен уларнинг маошни ошириш эмас, балки болали аёлларнинг иш кунини қисқартириш тўғрисидаги таклифлари ва илтимосларини эшитдим. Хотин-қизларнинг барчасини баравар ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этишдаги нуқсонлар, уларнинг болаларни тарбиялаш ишидан четлашганлиги оғир оқибатларга олиб келмоқда. Суд статистикаси ўсмирлар ва ёшлар орасида жиноятчилик кўпайганлигидан далолат бермоқда.

Чодак олтин ажратиб олиш фабрикасининг бошлиғи депутат **У. М. Аҳмаджонов** ўз нутқида муҳокама қилинаётган қарор лойиҳасига бир қанча тузатишлар киритишни таклиф этди. Имтиёзлар тўғрисида гапирганда қишлоқ хотин-қизлари ёзнинг жазирама иссиғида ҳам ишлашига тўғри келаётган иқлим шароитларини ҳисобга олиш керак. Шу муносабат билан уларга 45 ёшга етгандан кейин пенсияга чиқишга рухсат бериш керак бўлур эди. Бундан ташқари, шундай шароитда меҳнат қилаётган колхоз ва совхозларнинг меҳнаткаш аёлларига 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда «район» коэффициентлари тўланса ёмон бўлмасди. Яна бир гап. Ёш оилалар ўртасида ажралишлар кўпаймоқда. Кўпинча бу уларнинг моддий жиҳатдан етарлича таъминланмаганликлари оқибатида юз бермоқда. Балки ёш оилаларга уларни мустаҳкамлаш учун 3 минг сўмдан 5 минг сўмгача қарз берилишини кўзда тутиш керакдир.

Фориш район босмахонасининг ҳарф терувчиси депутат **Х. М. Суннатова** сўзга чиқди. У Фориш районида олти минг киши, бутун Жиззах вилояти бўйича эса 33 минг киши иш жойига эга эмаслигини маълум қилди. Ишламайдиганларнинг аксарият қисми — хотин-қизлар. Бу муаммо хусусида кўп гапирилаяпти, лекин амалий иш қилинмаяпти.

Фарзандини болалар боғчасига жойлаштириш имконияти пайдо бўлишини йиллаб кутаётган аёллар кўпаймоқда. Айрим қишлоқларда эса шундай имконият ҳам йўқ.

Камқонлик касалига мубтало бўлган аёлларни озиқовқат билан таъминлаш муаммоси ҳал этилмаяпти. Бу хусусда яхши қарор қабул қилинди, лекин савдо ходимларининг, бошқа ўртоқларнинг ўз лавозимларини суиистеъмол қилишлари бу қарорнинг амалга оширилишига имкон бермаяпти.

Ва ниҳоят, охиргиси: ўз фарзандларини ташлаб кетаётган, уларни онаси тириклигидаёқ етимларга айлантираётган аёлларга нисбатан энг қаттиқ чоралар кўрилиши керак.

— Муҳокама қилинаётган қарор хусусида бу ерда билдирилган адолатли фикрларни тўла қўллаб-қувватлайман, — деб таъкидлади Зарафшон шаҳрида яшовчи пенсионер депутат **П. П. Мельников.** — Лекин менда ўзим халқ депутати этиб сайланган Бухоро вилояти юзасидан бир қанча аниқ-равшан таклифлар бор. У ердаги чўл зонаси — сил касаллиги тарқалувчи асосий жойдир. Мен сил касалликлари диспансери қуриш хусусида жумҳурият Министрлар Кенгашига ва Олий Совет Президиумига бир неча бор мурожаат қилдим. Зарафшонда сил касалликлари диспансери ва поликлиника қуриш мақсадга мувофиқ эканлигини тасдиқловчи жавоб олдим. Лекин иш жойидан ҳамон силжимаяпти. Ҳар қалай ҳеч бўлмаганда келаси беш йилликда бу объектлар албатта қурилишидан умидвор бўлишни истардик.

Вилоятда кўчма флюорография қурилмалари жуда кам, натижада одамлар йиллар мобайнида текширувдан ўта олмаяптилар. Бу муаммони оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комиссияси алоҳида назорат остига олиши керак.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҲАМДА САВДОДАГИ СУИИСТЕЪМОЛЛАР ВА ЧАЙҚОВЧИЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот доимий комиссияси раиси депутат Э. Х. Халиловнинг маърузаси

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Қайта қуриш, ижтимоий турмушнинг ҳамма томонларини демократиялаш ва халқнинг ўзини ўзи бошқаришини чуқурлаштириш йўлини ўтказиш социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, совет фуқароларининг конституцион ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари пухта муҳофаза қилинишини таъминлаш ижтимоий адолат қоидаларига қатъий риоя қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Дарҳақиқат, эскириб қолган қонунлар жиддий салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда, жамиятга жуда катта иқтисодий ва маънавий зарар етказаяпти. Қонунни бузиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини камситиш кўпайди, ҳуқуқбузарлик учун муқаррар жавобгарликка тортилиш принципи сусайди. Бу эса ижтимоий онгда ҳуқуқнинг обрўсизланишига, қонунга ҳурматсизлик пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Шу сабабли қайта қуришни муваффақиятли амалга ошириш, меҳнаткашларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббускорлигини бутун чоралар билан ривожлантириш, ижтимоий адолат замирида моддий ва маънавий рағбатлантириш усулларидан самарали фойдаланиш учун қонунларни такомиллаштириш борасидаги ишларга сифат жиҳатидан янгича ёндашиш зарур эканлиги бугун, айниқса, аён бўлиб қолди. Ҳозир биз сизнинг муҳокамангизга киритаётган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш чоғида юқорида қайд этилган мулоҳазаларга амал қилдик.

Ҳурматли депутатлар! «Ўзбекистон ССРнинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Савдодаги суиистеъмоллар ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССРнинг қонунлари лойиҳалари сизнинг эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Лойиҳаларни тайёрлашда ва улар муҳокамасини ташкил этишда ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг, давлат, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари фаол иштирок этдилар. Лойиҳа устида олиб борилган ишлар шундай ташкил этилдики, уларда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашишди. Натижада кўплаб таклиф ва мулоҳазалар тушди. Уларнинг барчаси лойиҳаларни тайёрловчи ишчи комиссия томонидан кўриб чиқилди. Бу ишга амалиётчилар ва илмий ходимлар, шунингдек, лойиҳа юзасидан ўз таклифларини киритган муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари жалб этилди. Лойиҳалар юзасидан киритилган таклиф ва мулоҳазаларга баҳо беришда, аввало, улар етилган заруратни қай даражада акс эттириши, қонунларни такомиллаштириш вазифасига қанчалик жавоб бериши ҳисобга олинди.

«Ўзбекистон ССРнинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг лойиҳаси қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари доимий комиссиясида, «Савдодаги суиистеъмоллар ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг лойиҳаси эса икки комиссиянинг — қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот ҳамда саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо доимий комиссияларининг мажлисларида жуда муфассал муҳокама этилди.

Лойиҳаларни тайёрлашнинг барча босқичларида улар жиддий таҳлил қилинди, амалдаги қонунларнинг нормаларига қиёсланди. Бундан ташқари қонун лойиҳаларини тайёрлаш устида олиб борилган бутун иш давомида Умумиттифоқ ва республика қонунларининг бир-бирига мувофиқлиги ва бу соҳада қонун чиқариш борасидаги ваколатнинг бир қатор муҳим масалалари ҳал этилди.

Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган қонун лойиҳаларини қисқача изоҳлаб беришга рухсат этгайсизлар.

1990 йилнинг 2 апрелида қабул қилинган «Гражданларнинг миллий тенг ҳуқуқлилигига тажовуз қилганлик ва СССР Иттифоқи территориясининг бирлигини зўрлик билан бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ҳамда 1990 йилнинг 3 апрелида қабул қилинган «Фавқулодда ҳолатнинг ҳуқуқий тартиби тўғрисида»ги СССР Қонунларига мувофиқ «Ўзбекистон ССРнинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу Қонуннинг лойиҳаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР, бошқа иттифоқдош республикалар ва автоном тузилмалар ҳудудининг бирлигини муҳофаза қилишни таъминлашга, миллатлараро душманлик ва низонинг олдини олишга, шунингдек, фавқулодда ҳолат шароитида, яъни табиий офат, йирик авария ёки фалокатлар, одамлар орасида, ҳайвонларда юқумли касалликлар кенг тарқалган вақтда ва оммавий тартибсизликлар келиб чиққан ҳолларда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Ушбу Қонун лойиҳаси фуқароларнинг миллий ёки ирқий душманликни қўзғатиш, адоват ёки камситишни авж олдириш ё бўлмаса ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва округлар территориясининг бирлигини зўрлик билан бузиш мақсадида бевосита иш олиб борадиган ҳар қандай уюшмаларни, шу жумладан, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларини тузганлиги ва оммавий ҳаракатларни ташкил этганлиги, улар ишида фаол қатнашганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгилашни кўзда тутади (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг 188/4-моддаси).

Юқорида эслатиб ўтилган 1990 йилнинг 2 апрелидаги СССР Қонунига мувофиқ уюшмаларнинг мазкур фаолияти ғайриқонуний деб топилади ва тегишли бўлишига қараб, ЎзССР, ҚҚАССР Олий Совети Раисининг ёхуд давлатнинг бошқа олий мансабдор шахси, ЎзССР, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ёки Совет ижроия комитети раисининг ёхуд прокурорнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР Олий суди, вилоят, шаҳар судининг қарори билан ман этилади.

Бундай уюшмаларни тузганлик ва улар фаолиятида актив қатнашганлик учун, агар бунинг учун қонунларда жиноий жавобгарлик кўзда тутилган бўлмаса, ўн минг сўмгача миқдорда жарима солиш тарзида маъмурий жазо берилади ёки ўн беш сутка муддатгача маъмурий ҳибсга олинади. Бундай изоҳ бериб кетилиши бежиз эмас. Чунки республика жиноят кодексининг 60-моддаси ССР Иттифоқи, иттифоқдош республикалар территориясининг бирлигини зўрлик ишлатиб бузишга даъват этганлик учун жиноий жавобгарликка тортишни назарда тутади. Шу кодекснинг 64-моддаси билан эса миллий ёки ирқий душманлик ёки нифоқ қўзғаганлик, миллий қадр-қимматни камситганлик ва бошқалар учун жавобгарлик белгиланган.

Республиканинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексини фавқулодда ҳолат тартибининг талабларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги 188/5-модда билан тўлдириш таклиф этилади.

Фавқулодда ҳолат шароитида ирғоқарона миш-мишлар тарқатганлик, ҳуқуқ-тартиботни бузишга ундовчи ёки миллий адоватни авж олдирувчи хатти-ҳаракатлар учун, ички ишлар органлари ходимининг, ҳарбий хизматчи, халқ дружиначисининг қонуний фармойиши ёки талабига қасддан бўйсунмаганлик ва жамоат тартибини ҳамда гражданларнинг осойишталигини бузадиган бошқа шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар учун (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг 185/6-моддаси) жамоат тартибини таъминлаш мақсадида минг сўмгача миқдорда жарима солиш ёки ўттиз суткагача маъмурий қамоққа олиш тарзида маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилмоқда.

ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР ҳудудининг бирлигини ҳимоя қилишни кучайтириш зарурлигига асосланиб СССР, Ўзбекистон ССР, бошқа иттифоқдош республикалар ва автоном тузилмалар ҳудудининг бирлигини зўрлик билан бузишга қилинган даъватлар учун жиноий жавобгарлик жорий этилади (Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 60-моддаси). Худди шу моддада Совет давлати ёки ижтимоий тузумни зўрлик билан ағдаришга ёхуд ўзгартишга ошкора даъват қилганлик, шунингдек, ушбу мақсадда мана шундай мазмундаги материалларни тарқатганлик учун жавобгарликни кўзда тутади.

Биринчи қисмига кўра уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишни ва иккинчи қисмига кўра етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишни кўзда тутувчи амалдаги чоралардан ташқари кўрсатилган жиноятлар учун солинадиган жарима миқдорини ошириш, яъни биринчи қисмига кўра икки минг сўмдан ўн минг сўмгача ошириш, такроран ёки бир гуруҳ уюшган шахслар томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар учун эса беш минг сўмдан йигирма минг сўмгача жарима солиш таклиф этилмоқда. Чет эл ташкилотларининг ёки улар вакилларининг топшириғига биноан қилинган худди шундай хатти-ҳаракатлар учун ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишдан ташқари мол-мулкини мусодара қилиш ҳам қўлланиши мумкин.

(Давоми учинчи бетда).

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҲАМДА САВДОДАГИ СУИИСТЕЪМОЛЛАР ВА ЧАЙҚОВЧИЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАҚИДА

(Давомн. Боши иккинчи бетда).

Фавқулодда ҳолат шароитида тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш жиноий жавобгарликка олиб келади. Бу ҳол ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш ёхуд ўн минг сўмгача миқдорда жарима солиш билан жазоланади. Бу хилдаги ишларни тергов қилиш прокуратура зиммасига юкланади.

Киритилаётган қўшимчаларга мувофиқ миллий ёки ирқий душманлик ёхуд меншмаслик замирида содир этилган жиноятлар жазо белгиланаётганда жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолат, деб ҳисобланади (ЎзССР Жиноят кодексининг 39-моддаси).

Республика қонунларини янада ривожлантириш мақсадида ва уни суд мажлисида тартибни бузганлик учун ҳамда судга ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарликнинг амалдаги нормаларига мослаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексининг 240-моддаси бирмунча ўзгартирилмоқда ва унинг бошқа моддаларида эса (117/1, 139, 240, 241, 262, 266-моддалар) тергов ишлари вақтида ҳамда судда ишни кўриш чоғида тасвир ёзгични қўллаш қонун томонидан мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Ўртоқлар. Сизларга тарқатилган ва ҳозир муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси Ўзбекистон ССРнинг Меҳнат қонунлари кодексига ўзгартишлар киритишни ҳам назарда тутади. Бу ўзгартишлар аёлларга бола тарбияси учун ҳақ тўланадиган ва ҳақ тўланмайдиган отпускаларга тааллуқли эди. Бироқ биз бу ўзгартишларни муҳокама қилинаётган Қонун лойиҳасидан чиқариб ташлашга қарор қилдик, чунки шу йилнинг 22 май куни «Хотин-қизлар, оила ва болалик масалалари хусусидаги СССРнинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» СССР Қонуни қабул қилинди. Бу Қонун болали оналарнинг ҳуқуқларини янада кенгайтиради. Шу муносабат билан комиссия хотин-қизларга, оила ва болаликка бағишланган республиканинг махсус Қонун лойиҳасини тайёрлашга қарор қилди.

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Сизнинг муҳокамангизга, шунингдек, «Савдодаги суиистеъмоллар ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳам киритилмоқда. Бу муҳим қонунни қабул қилиш нечоғлик долзарб ва зарур эканлигини гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Республикада истеъмол бозорида носоғлом вазият юзага келганлигини айтиб ўтмоқчиман, холос. СССР ҳукумати бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан нархларни оширишни назарда тутаётганлигини маълум қилганидан сўнг вазият янада кескинлашди.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг маълумотига кўра, истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш соҳасидаги криминологик вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш шундан далолат берадики, моллар тақчиллиги кескинлашди, бу тақчиллик эса сунъий равишда вужудга келтирилмоқда ва сақлаб турилмоқда, саноат ва озиқ-овқат моллари савдодан яшириб қўйилмоқда. Савдо қоидаларининг бузилиши ва чайқовчилик фуқароларнинг ўринли эътирозларини келтириб чиқармоқда, улар ўз хатларида бундай хатти-ҳаракатлар учун жавобгарликни оширишни талаб қилмоқдалар. Шубҳасиз, саноат ва озиқ-овқат моллари ўта тақчил бўлиб қолган бир шароитда амалдаги Қонун ҳужжатлари бу ҳуқуқбузарликларга қарши курашда самарали чора бўла олмаётир. Ана шу баён этилган ҳолатлар чайқовчилик, молларни харидорлардан яшириб қўйганлик ёхуд уларни омборлардан, базалардан ва бошқа ерлардан сотганлик учун жавобгарликни кучайтиришга асос бўлди.

Хусусан, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг савдо қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлигини ошириш таклиф этилади. (Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг 166-моддаси).

Бундай ҳуқуқбузарлик учун солинадиган жарима миқдори ўттиз сўм ўрнига юз сўмгача оширилмоқда.

Савдо ёки умумий овқатланиш корхоналари (ташкилотлари)нинг омборлари, базалари, ёрдамчи хоналаридан мол сотганлик, шунингдек савдо ёки умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари молларни харидорлардан яшириб қўйганлиги учун жарима, агар яшириб қўйилган ёки сотилган моллар нинг қиймати 50 сўмдан ошмаса, ўн баравар (илгари белгиланган 50 сўм ўрнига 100 сўмдан 500 сўмгача) ошириляпти. Агар бу молларнинг қиймати 50 сўмдан ортиқ бўлса, бунинг учун жиноий жавобгарлик белгиланади (ЎзССР Жиноят кодексининг 177/2-моддаси). Агар бундай ҳуқуқбузарлик бир йил давомида такрор содир этилса, бу ҳам жиноий жавобгарликка олиб келади (ЎзССР Жиноят кодексининг 177/2-моддаси).

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (ташкилотлари) ходимларининг арақ ва бошқа спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузганлиги учун солинадиган жарима миқдори (илгари 100 сўм эди) уч баравар оширилмоқда. (Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодекснинг 167-моддаси).

Саноат моллари билан қўлда савдо қилиш қоидалари ва тартибига риоя этишни таъминлаш мақсадида белгиланмаган жойларда саноат моллар билан қўлда савдо қилганлик учун икки юз сўмгача жарима солиш тарзида маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда (Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодекснинг 170-моддаси).

Қонун лойиҳаси майда чайқовчилик учун жарима миқдорини 100 сўм ўрнига 300 сўмга, яъни уч баравар оширишни, бундай ҳуқуқбузарлик такрор содир этилган тақдирда эса минг сўмгача оширишни (беш баравар кўпайтиришни) кўзда тутади. Орттирилган текин даромад юз сўмдан ошиқ бўлмаган ҳолларда шундай жавобгарликка сабаб бўлади (Ўзбекистон ССРнинг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодексининг 171-моддаси). Агарда чайқовчилик натижасида орттирилган текин даромад юз сўмдан ошиб кетса, бу ҳол жиноий жавобгарликка олиб келади (ЎзССР Жиноят-процессуал кодексининг 171-моддаси).

Харидорлар ва буюртмачиларни алдаганлик учун, агар хиёнат 50 тийиндан ортиқ бўлмаса, эллик сўмдан икки юз сўмгача жарима солиш тарзида маъмурий жавобгарлик жорий этилмоқда. (Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодекснинг 166/1-моддаси). Акс ҳолда бу хатти-ҳаракат жиноий жавобгарликка олиб келади. Шу муносабат билан Жиноят кодексининг 177-моддасига тегишли қўшимча киритилди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юргизиш бирмунча ўзгартирилди. Агарда авваллари белгиланмаган жойларда қўлда савдо қилганлик учун ишлар маъмурий комиссиялар томонидан қараб чиқилган бўлса, ҳозир бундай ишларни халқ судлари кўриб чиқадилар. Бундан ташқари бундай ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар иш халқ судьяси ёки ички ишлар органининг бошлиғи (ўринбосари) томонидан қараб чиқилгунча ҳибсда ушлаб турилиши мумкин.

Савдо қоидаларини бузганлик ҳамда чайқовчилик учун жиноий жавобгарлик ҳам кучайтирилади.

Хусусан, чайқовчилик бир неча бор ёки йирик миқдорда ёхуд бир гуруҳ шахсларнинг олдиндан тил бириктириб ёки савдонинг давлат, кооператив ё бўлмаса бошқа ижтимоий шаклларидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, мол мулкини мусодара этиб, уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки икки минг сўмдан ўн минг сўмгача жарима солиш кўзда тутилмоқда. Уюшган гуруҳ томонидан содир этилган чайқовчилик учун мол-мулкини мусодара этиб, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш шаклида жавобгарлик белгилаш таклиф этилмоқда.

Бир йил давомида майда чайқовчилик учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс яна майда чайқовчилик қилса, бир йилгача ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилади ёки унга минг сўмдан уч минг сўмгача (илгари юз сўмдан уч юз сўмгача эди) жарима солинади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (ташкилотлари)нинг ходимлари томонидан арақ ва бошқа спиртли ичимликларни сотиш қоидаларининг бир йил ичида такрор (маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг) бузилиши жиноий жавобгарликка олиб келади ва икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиш ёки уч юз сўмдан минг сўмгача (илгари жарима 300 сўмгача эди) жарима солиб, уч йилдан беш йилгача савдо ёки умумий овқатланиш корхоналари (муассасалари)да ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этишга олиб келади (Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 181/1-моддаси).

Жиноят кодексининг 177/2-моддаси анча қайта ишлаб чиқилди. Хусусан омборлардан, базалардан, ёрдамчи хоналардан моллар сотиш, шунингдек моллари харидорлардан яшириб қўйиш, агар моллар қиймати эллик сўмдан ортиқ бўлса, ёхуд бу хатти-ҳаракатлар маъмурий жавобгарликка тортилгач бир йил давомида содир этилса, бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш ёки 500 сўмдан минг сўмгача (илгари 100 сўм эди) жарима солиб, маълум лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жиноий жавобгарликка олиб келади. Қонун лойиҳаси бир гуруҳ шахслар олдиндан тил бириктириб ёхуд мансабдор шахс содир этган ана шундай жиноятлар учун жиноий жавобгарликни кучайтиради. Бундай жиноятлар мол-мулкини мусодара қилиб ёки қилмай, уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиш ёхуд минг сўмдан уч минг сўмгача (илгари 500 сўм эди) жарима солиб, уч йилдан беш йилгача маълум лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ана шундай хатти-ҳаракатлар йирик миқдорда (2500 сўм ва ундан ҳам кўпроқ) ёки худди шу жиноятлар учун мудом судланганлар томонидан содир этилса, мол-мулкини мусодара қилиб ёки қилмай, уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки уч минг сўмдан беш минг сўмгача жарима солиш билан жазоланади. Бу жиноят ўта йирик (10 минг сўм ва ундан ҳам кўпроқ) миқдорда содир этилган бўлса қаттиқ жазоланади. Беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулки мусодара қилинади ва маълум лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Ўртоқлар! Сизнинг муҳокамангизга ҳавола этилган ана шу икки Қонун лойиҳасини қабул қилиш бошқа қонунлар, ташкилий ва тарбиявий характердаги тадбирлар билан бирга жамиятимиздаги ижтимоий ва маънавий муҳитни соғломлаштиришга, меҳнатсиз даромад орттириш, умуминсоний ахлоқ нормаларидан бошқача тарзда чекинишга қарши курашни кучайтиришга ёрдам беради, деб ўйлайман. Шу сабабли ҳурматли халқ депутатларидан мазкур Қонун лойиҳаларини тасдиқлаб беришни илтимос қиламиз.

• Жумҳуриятимиз Президенти фармонлари—амалда

КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ВАЗИФА

Кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришда шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг роли ошиб бормоқда. Уларда чорвачилик ҳам ривожланиб бораётир. Жумҳуриятимиздаги қорамолларнинг ярмидан кўпроғи шахсий хўжаликларда боқилади. Жумладан, сигирнинг 70 фоизи, қўй ва эчкининг 35 фоизи, қуённинг ярмидан ортиғи улар қўлида. Шахсий хўжаликлар ўтган йилнинг ўзида жумҳуриятимизда тайёрланган жами гўштнинг 45 фоизини, сутнинг 65 фоизини етиштиришди.

Аслида шахсий хўжаликларда чорва моллари боқиш анча арзон ва қулай. Чунончи, ҳозирги вақтда колхоз ва совхоз фермаларида боқиладиган ҳар бир бош қорамол ўрни 2—4 минг сўмга тўғри келади. Хонадонларда молхона қуриш учун эса шу пулнинг ярми ҳам сарф бўлмайди. Фақат томорқа эгаси зотли қорамоллар, қўй-эчкилар билан таъминланиб уларга ем-хашак, аралаш озуқа етказиб берилса кифоя.

Бироқ қатор вилоят ва районларнинг совет ва хўжалик органлари, қўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари шахсий хўжаликларда чорвачиликни ривожлантиришда сусткашликка йўл қўймоқдалар. Улар колхозчиларга, совхоз ишчиларига зотли моллар олишда етарли ёрдам бермаяптилар. Ветеринария ва зоотехника хизмати кўрсатишда ҳам туб ўзгаришлар сезилмаяпти. Урғочи моллари сунъий қочиришни ташкил этиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шахсий хўжаликларнинг чорвасини озуқа, яйловлар билан таъминлаш кўнгилдагидек ташкил қилинмаган.

Кўпгина колхоз ва совхозлар ҳанузгача озуқа базасини шахсий сектордаги молларни ҳисобга олмаган ҳолда яратмоқдалар. Уни амалда аҳолига сотмаяптилар. Бунинг оқибатида аҳолидаги молларга берилаётган барча турдаги озуқалар эвзи 50 фоиз атрофида бўлиб, жумладан жамоат чорваси ҳисобидан эса 10 фоиз уларга берилмоқда.

Пахта экиладиган майдонлар анча қисқартирилганига қарамай кейинги уч йил ичида колхоз ва совхозлар озуқа экиладиган майдонларни амалда кенгайтирганлари йўқ. Гектарлардан олинадиган ҳосилдорлик кўпаймади. Ҳозир ҳар гектар ердан ҳамон 45 центнер озуқа бирлиги олинаётгани ачинарлидир. Бу шахсий хўжаликлар у ёқда турсин, ҳатто жамоат чорвасига ҳам эўр-базўр етади.

Совет ва қишлоқ хўжалиги органлари озуқа майдонлари самарадорлигини ошириш, илғор технологияни жорий этиш, такрорий ва оралиқ экинлар экиш ҳисобига ҳар гектар ердан олинадиган озуқа ҳосилининг 80—100 центнерга етказилишини таъминламаяптилар. Бу аҳволда шахсий хўжаликларни озуқа билан тўла таъминлаб, кўплаб гўшт ва сут етиштирилишига эришишнинг иложи йўқ.

Қишлоқ ва посёлка Советлари колхоз ва совхозлар шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларидан ортиқча маҳсулотларни қабул қилиш юзасидан шартномалар тузишни тезлаштирмаётирлар. Шу билан бирга жумҳуриятимизда қорамоллар бош сонини янада кўпайтириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Ўн учинчи беш йиллиқда қорамолларни 245 минг бошга, жумладан сигирлар сонини 97 минг бошга, чўчқаларни — 6,2 минг, қўй ва эчкиларни — 354 минг бошга ошириш мўлжалланмоқда. Маҳсулдорликни 1,3—1,4 баравар, гўшт ишлаб чиқаришни 103 минг тоннага, сут тайёрлашни 770 минг тоннага ошириш кўзда тутилган.

Бироқ бугунги кунда рақамларга назар солсак, аҳолининг шахсий хўжалигидаги чорва маҳсулдорлиги жамоат чорвачилигидаги маҳсулдорликка нисбатан анча паст эканлигини кўрамиз. Масалан, ўтган йили жамоат секторида тирик вазнда 393,8 минг тонна гўшт етиштирилган бўлса, шахсий секторда бу кўрсаткич 378,1 минг тоннани ташкил этди. Жамоат чорвасида ҳар бир сигирдан 2578 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, шахсий хўжаликларда атиги 1635 килограммлик натижага эришилди. Тухум, жун, қоракўл тери тайёрлаш бўйича ҳам фарқ катта.

Хўш, нега бундай ҳол юз беряпти? Бунинг сабаби биринчидан, озуқа етишмаслигида бўлса, иккинчидан, аҳолининг шахсий хўжалигидаги қорамол ва қўй-эчкиларнинг зоти яхши эмаслигида. Биргина ўтган йилни олайлик. Аслида аҳолидаги ҳар бир шартли қорамол бошига 29 центнердан озуқа бирлиги тўғри келиши талаб этилади. Бироқ бу рақам атиги 17,5 центнер атрофида қолиб кетди. Бу йил эса мўлжал ҳар бир бош чорва ҳисобига 38,4 центнер озуқа бирлиги белгиланди.

Жумҳуриятимиз Президентининг «Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида»ги Фармонида бундай дейилади: «Посёлка, қишлоқ ва овул Советларининг комиссиялари аҳоли шахсий хўжаликларига давлат ресурсларидан, Ўзбекбирлашув базалари ва савдо тармоқлари орқали кучли ем-хашак, шунингдек шахсий хўжаликларда рўйхатга олинган ҳар бош мол ҳисобидан колхоз ва совхозлар ажратадиган хашак ва ширали емхашак сотиб олиш учун талонлар берадилар».

Гарчи Фармонга кўра бу иш шу йилнинг 1 июлидан амалга оширилиши кўзда тутилгани билан амалий ишлар бугундан бошланиши керак. Афсуски, ҳали баъзи жойларда Фармон юзасидан аниқ тадбирлар белгиланмади. Кўпгина районларда, посёлка ва қишлоқларда аҳолига сотилиши мумкин бўлган аралаш озуқа, шелуха, қунжара ва бошқа озуқалар фонди қанча эканлиги аниқлангани йўқ.

Хўш бу борада Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети томонидан қандай тадбирлар белгиланди? Бу саволга озуқани қайта ишлаш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш бўлими бошлиғи **Адҳам ИСМОИЛОВ** қуйидагича жавоб берди:

— Президент Фармонини рўёбга чиқариш учун ҳали кўпгина тадбирларни амалга оширишга тўғри келади. Шу йилнинг ўзида аҳоли шахсий хўжалигидаги чорва моллар ҳисобига олиниб, унинг ҳар бирига 34,1 центнер озуқа бирлиги ажратилади. Умуман, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан чиқарилган қарорга кўра аҳолига озуқа етказиб бериш юзасидан беш йилга мўлжалланган режалар аниқлаб олинди. Масалан, аҳолига колхоз ва совхозлар томонидан 1991 йилда 100 минг тонна дон, 2.406 минг тонна дағал ҳашак, 1.332 минг тонна пичан сотиш кўзда тутилган бўлса, бу рақам йилдан йилга кўпайиб, 1995 йилда 400 минг тонна дон, 3.172 минг тонна дағал ҳашак, 1.731 тонна пичан сотилади.

Давлат ресурслари ҳисобидан аҳолига сотиладиган аралаш озуқа миқдори ҳам кўпаяди. Келгуси йили жумҳуриятимиз бўйича 350 минг тонна аралаш озуқа аҳоли чорвасига етказиб берилади. 150 минг тоннадан зиёд шелуха шахсий хўжаликлар ихтиёрида бўлади. Аҳоли қўлидаги моллар кўпайиб боргани сайин уларга етказиб бериладиган озуқа ҳам кўпайиб боради. Яъни, 1995 йилга бориб шахсий хўжаликлар 600 минг тонна аралаш озуқа, 300 минг тонна шелуха билан таъминланади.

Бундан ташқари 100,9 минг тонна барда ҳам тарқатилади. Биргина Тошкент вино комбинатининг ўзи йилига 61 минг тонна ана шундай озуқа тайёрлайди.

Энди яна бир гап: маълумки, чорва моллар зотини яхшиламай туриб, юқори маҳсулдорликка эришиб бўлмайди. Шунинг учун аҳоли қўлидаги молларни секин-аста наслдор моллар билан алмаштириб боришимиз лозим. Бундан буён қардош жумҳуриятлардан келтирилган наслдор моллар фақат аҳолига сотилади. Тўғри, уларнинг нархи анча қиммат. Лекин кейинчалик уларнинг самараси яхши бўлади. Бу жиҳатдан олганда аҳолига зотдор моллар сотиб олиш учун хўжаликлар томонидан қарз берилиши йўлга қўйилади.

Айниқса, колхоз ва совхозлар томонидан аҳолига кўплаб миқдорда бузоқ, чўчқа болалари, қўзи ва улоқ ҳамда жўжалар сотишни тезлаштириш юзасидан ҳам муҳим тадбирлар белгиланди. Масалан, 1991 йилда 68,3 минг бош бузоқ, 25,8 минг бош чўчқа боласи, 267,1 минг бош қўзи ва улоқ, 12,900 минг дона жўжа сотилади.

Бизнинг назаримизда бу лар амалга оширилиши мумкин бўлган аниқ режалар. Фармонни рўёбга чиқаришга киришиладиган вақт тобора яқинлашмоқда. Ана шу қисқа муддат ичида барча вилоят, район ижроия комитетлари, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга оширишлари зарур.

Ш. МИРҲАБИБОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ВИЛОЯТ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ТЕРМИЗ, 22 июнь. (ЎзТАГ). Бугун халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Советининг сессияси бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари вилоят халқ таълими органлари фаолиятини қайта қуриш қандай бораётганлигини ва уни такомиллаштириш вазифаларини муҳокама қилдилар. Сайловчиларнинг халқ депутатларига берган наказларини бажариш тадбирлари ҳам кўриб чиқилди.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Советининг раиси, Сурхондарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби Х. Э. Бердиев нутқ сўзлади.

• Оқ олтин районидаги Усмон Юсупов номли совхозда бу йилги қулай об-ҳаво шароитларидан фойдаланиб, бошоқли экинлардан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозир 412 гектар ердаги арпа ва буғдой ҳосили пешма-пеш ўриб олинмоқда. Хўжаликда йиллик пландаги 1030 тонна ўрнига 1200 тоннадан ортиқ ғалла тайёрлаш режалаштирилган.

Ўрим-йиғимда Келдибой Қодиров, Ҳошим Ҳакимовлар бошлиқ пудратчи бригадалар пешқадамлик қилишмоқда.

Суратларда: ўзаро мусобақа илғорлари комбайнчи Асилбек Ҳакимов ва Рустам Усмоновлар. Улар ҳар гектар майдондан 35 центнердан арпа олишяпти.

А. ТУРАЕВ суратлари.

«Известия ЦК КПСС» журналининг навбатдаги сони

«Известия ЦК КПСС» журналининг олтинчи сони нашрдан чиқди ва обуначиларга тарқатилмоқда. У партия Марказий Комитетининг 1990 йил май ойидаги иши тўғрисидаги ахборот билан очилади. Май ойида партия ташкилотларидаги съездолди мунозаралари, ҳисобот-сайлов кампанияси, КПСС XXVIII съездига ва Россия партия конференциясига тайёргарлик масалалари Марказий Комитет диққат марказида бўлди. Шу ернинг ўзида КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури ва партия Уставининг лойиҳалари ҳақидаги мактублар ҳамда Тошкент вилояти партия ташкилотларидаги съездолди мунозараси тўғрисидаги хабар босилган.

«Партия Марказий Комитети пленумларининг стенограммалари» рубрикасида КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 25-26 декабрь кунлари Литва Компартиясининг XX съезди қарорлари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиққан навбатдан ташқари пленумининг стенографик ҳисоботи эълон қилинган.

Журнал КПСС Марказий тафтиш комиссияси бюросининг мажлиси тўғрисида хикоя қилади, унда партия бюджетида автомобиль транспортидан фойдаланиш ва капитал қурилиш учун кўзда тутилган маблағлардан қай даражада самарали фойдаланилаётганини текшириш натижалари кўриб чиқилган эди. Сўнгги уч йил ичида маҳаллий партия комитетларидаги енгил автомобилларнинг умумий миқдори 850 тадан кўпроқ қисқартирилди, автотранспортдан тўғри фойдаланиш устидан назорат кучайтирилди. 1989-1990 йиллар капитал қурилиш режасидан маҳаллий партия органларининг, марказий партия муассасаларининг 230 дан зиёд объекти, шифохоналар ва бошқа иншоотлар чиқариб ташланди. Қурилиш-монтаж ишларининг бўшаган лимитлари ижтимоий соҳа ва деҳқончилик саноати комплекси қурилишларига йўналтирилди.

Мазкур сонда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия Назорати комитетининг 1990 йил апрель-май ойларидаги иши тўғрисидаги ахборот, шунингдек, «СССР Давлат омборхонаси ва СССР Молия министрлиги айрим раҳбар ходимларининг интизомсизлиги ва валюта билан боғлиқ тижорат операцияларини ўтказиш чоғида қоидани қўпол равишда бузганликлари тўғрисида» партия Назорати комитети қабул қилган қарорнинг тўлиқ матни эълон қилинган.

Журнал материаллари орасида КПСС Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликкa номзодларнинг улар ҳузурига келганларни қабул қилгани ҳақидаги, кадрлар орасидаги ўзгаришлар ва партиянинг халқаро алоқалари тўғрисидаги ахборот, КПСС Марказий Комитетига келган мактублар бор.

Журналнинг архив бўлимида партия Марказий Комитетининг 1919 йил ноябрь ойининг иккинчи ярми ва декабрь ойининг бошларидаги фаолияти хроникаси, 1923 йилдаги партия ички мунозараси — 1923 йил 15 октябрда РКП (б) Марказий Комитетига ёзилган «46 лар баёноти» эълон қилинган. «Улуғ Ватан уруши тарихидан» рубрикасида фашистлар бостириб келган (1941 йил 22-30 июнь) дастлабки кунлардаги вазиятни кўрсатувчи материаллар: Рига, Таллинн, Киев, Запорожье, Мурманск, Красноярск ва бошқа шаҳарлардан олинган телеграммалар, фронтлардаги вазият, эвакуация бошлангани тўғрисидаги хабарлар, Снёсий бюро ва Халқ Комиссарлари Советининг қарорлари, И. В. Сталин 1941 йил 21-28 июнь кунлари қабул қилган шахсларнинг фамилиялари ёзилган дафтарлардан кўчирмалар бор.

Жумҳуриятимизда нон маҳсулотларининг харид нархи оширилмайди!

БИЗНИНГ авлод нонга сероб бўлган фаровон замонда яшамоқда. Кекса авлоднинг ҳаёти бугунги тўкин-сочинликни бунёд этишга бағишланган. Бир қарич ер учун, бир қултум сув ва бир ҳовуч дон учун кураш йиллари... Ёшларимиз тарихдан, ота-боболаримизнинг ҳикояларидан билишади, буни. Бу нон тарихи билан боғлиқ бўлган бир жиҳат холос.

Нонинг пайдо бўлиши, миллий нон хиллари, нон ёпиш усуллари, маданияти ва унинг ривожи билан боғлиқ барча сирларни ҳар бир маданиятли киши билиши керак. Нон нафақат моддий, балки у маънавий бойлик ҳамдир. Одамнинг хулқ-атвори, маданияти ана шу бойликларга, хусусан, нонга бўлган муносабати билан белгиланади, Гап нонни эъзозлаш ва уни тежаб ишлатиш ҳақида борар экан, **республикада Нон тарихи музейи ташкил этиш кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг таъсирчан омилларидан биридир.**

Ўзбекистон археологлари, этнографлари, фольклоршунослари, санъатшунослари, музейшунослари, ҳужжатли киноходимлари ҳамда ўлкани ўрганиш район, вилоят ўлкашунослик музейлари ходимларида нон тарихи, уни ёпиш усуллари ҳақида ёзув материаллари бор. Афсуски, бу материаллар тарқоқ ҳолда ётибди. Ана шуларни бир марказга тўплаб, халқимизга, айниқса, ёш авлодга нон тарихи, нон учун кураш — ҳаёт учун кураш эканлигини, халқ тарихининг турли даврларидаги нонга бўлган эҳтиёжларини экспозицияда кўрсатиб, эслатиб туриш муҳимдир.

Бўлажак музей кўргазмаларида олимлар топган дон навлари, дон идишлар, турли хил омочлар, қўл ва сув тегирмонларидан намуналар, турли вилоятларга хос тандирлар — баланд тандир, дўнг тандир, ўчоқ тандир, чўпон тандир (гунма ва қуйма усуллари)ларидан намуналар ўрин олса мақсадга мувофиқдир.

Нон тарихи музейи жойлашадиган бино ўзига хослиги билан ажралиб турса, деймиз. Бу ерда 10—15 та турли тандирда, турли вилоятларга хос нон намуналаридан новвойлар ёпиб турсалар, Музейга келган ҳар бир мамлакатимиз ва чет эл туристларини ҳамда шу жой аҳолисини иссиқ нон билан меҳмон этсалар, улар учун эсдалик нон совғаларини махсус қоғоз халтачаларда тайёрласалар, нон буклетлари, альбомлари, нонга бағишланган тарихий ва бадиий асарларни фақат шу ердан харид этсалар...

Яна бир фикр. Нон тарихи музейи жойлашадиган бино шарқона усулда безалиб, унинг атрофи очиқ музейга айлантирилса соз бўларди. «Очиқ музейда» деҳқончилик маданияти, новвойлик санъатига оид далилий буюмлар, нарсалар намойиш этилиши, айниқса «Деҳқончилик маданияти», «Нон тайёрлаш санъати», «Санъаткор новвойлар маҳорати», «Новвойлик усуллари», «Нон эстетикаси» каби бир қатор экспонатлар орқали намойиш қилиниши нақадар мароқли бўлишини бир тасаввур этинг.

Хуллас, нон тарихи музейининг мукаммал дастурини олимлар билан ишлаб чиқиш мумкин бўлар. Тез ойларда ташкил бўладиган музейнинг бутунлай қиёфасини яққол тасаввур этиб турибмиз. Буюртмачи ташкилотлар бўлса бас.

Қайта қуриш даврининг энг муҳим муаммоларидан бири — кишиларнинг ўз қўллари билан яратган қадриятларга онгли равишда ёндашиши кераклиги. Моддий ва маънавий дурдоналарга коммунистик қарашларни созламасдан туриб биз мамлакатимизни қайта қуришимиз мумкин эмаслигини партия уқтирмоқда. Мана шу талаблардан келиб чиқиб, партия жамиятшунос олимларнинг диққатини ҳаётнинг конкрет эҳтиёжларига қаратишга даъват этмоқда.

• *НОН—ИМОН*

НЕЪМАТЛАР СУЛТОНИ

◆ Қайсики юртда неъматларнинг султони — нон исрофига йўл қўйилса, у жойда қадрсизликка йўл очилур.

ШАРҚ ДОНИШМАНДЛИГИДАН.

◆ «...Болалар нонни футбол қилиб тепишяпти, охир. Исрофгарчилик ва нобудгарчиликка қарши кураш — қатъиян киришиш лозим бўлган яна бир резервдир... Бундай исрофгарчиликка зудлик билан чек қўйиш керак».

М. С. ГОРБАЧЕВ.

◆ Нонга ҳурмат, элга ҳурмат.

ХАЛҚ МАҚОЛИ.

Жумҳуриятнинг бир қатор вазирликлари Нон тарихи музейини очиш ҳақидаги таклифларни қўллаб-қувватладилар ва ўз имкониятларидан келиб чиқиб ёрдам беришларини газета сафиҳаларида эълон этдилар. Айниқса, қардош Озарбайжондан олинган «Музей — тарбия ўчоғи» деб номланган мактуб таъсирли. «Совет Ўзбекистони» саҳифасида нон музейи ташкил этиш ҳақидаги таклифни ўқиб, «хурсанд бўлдик. Бу хайрли ишни қўллаб-қувватлаймиз ва шундай музей ташкил этишдаги ўз тажрибаларимизни ўртоқлашишни лозим кўрдик, — дейилади мактубда. Бу тажриба Сизларда нон музейи ташкил этишда қўл келади. Юз гапиргандан бир бор кўрган яхши, дейдилар. Музейимизга марҳамат қилинг. Қардошлик саломи билан О. Зойналова, — музей директори».

Афсуски, кўтарилган муҳим муаммо ҳозирча муаллақ турибди. Бу ўринда тайёр жойдан фойдаланиш ҳақида ўз мулоҳазаларимиз бор. Гарчанд биз айтмоқчи бўлган бино бутунлай музей учун мос бўлмасада, дастлабки ишларни бошлаб юбориш учун имкониятлар етарли.

Хабарингиз бор, жумҳуриятимизнинг кўпгина вилоятлари Тошкентнинг 2000 йиллик тўйига атаб бинолар қуриб бердилар. Хусусан, Фарғона вилояти қуриб берган «Фарғона» чойхонаси кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Қурилиш ҳажми жиҳатидан салкам 1 миллион сўмга тушган бу маъмурий, муҳташам бино фарғоналикларнинг беминнат. туҳфаси бўлди. Қўқон ва Фарғонанинг қўли гул усталари томонидан қурилган нақшинкор обида архитектура услубининг миллий калоритга бойлиги, ўзига хос салобати, фарғонача бағри кенглик, теранлик ва қувноқликни мужассамлаштирганлиги билан ажралиб турибди. Қорақамиш массивида қад кўтарган бу бино ташқи кўринишидан ҳам жуда гўзал. У кафечойхонадан кўпроқ амалий тасвирий санъат даргоҳини ёки энг гўзал санъат асарларини марказлаштирган улкан обидани эслатади.

«Фарғона» номини олган бу чойхона ўзининг дастлабки хизмати, иш услуби хусусиятлари билан бошқа чойхоналардан кескин фарқ қилиши керак эди. Ана шу катта орзулар билан табиати сахий, одамлари дилкаш, аскиябоз фарғоналиклар бу бинога меҳрларини ифода этган эдилар.

Афсуски оқибат улар ўйлагандек бўлиб чиқмади. Ушбу масканнинг очилиши арафасида жумҳурият ва вилоят матбуотларида «Олтин водий «Фарғона»си — кулгу кошонаси бўлса», «Нон музейига ярашади», — деб номланган мақолалар билан жумҳуриятимизнинг бир қатор олимлари чиқишларига қарамасдан, маҳаллий органлар бу кўтарилган масалага эътиборсизларча қараб, дастлаб кафе, сўнг ресторан этиб жиҳозладилар. Булар ҳам кўнгилдагидек натижа бермади. Ҳар хил салбий ҳодисалар содир бўладиган жойга айланиб қолди.

Чойхона атрофи гўзал, унинг ёнидан Қорақамиш суви ўтади. Бино теварагида бўш жойлар ҳам кўп. Ана шу жойларга қўшимча енгил конструкцияли кўргазмали павильонлар қуриш — нонга оид моддий қуролларни экспозицияларда кўрсатиб бориш мақсадида архитекторларимиз «Фарғона» чойхонаси биноси учун ансамблига мос бўладиган қўшимча биноларни қуришга имкониятлар катта. Унинг атрофида болаларимиз учун бир олам қувонч бахш этадиган эртаклардаги турли персонажлар образи акс этган кулгили кўргазмалардан микропаркни ташкил этиш мумкин Чойхона ёнидаги кинозалда нон билан боғлиқ ҳужжатли фильмларни, нон дарси сабоқларини ўтказиш мумкин.

Бизнинг назаримизда ушбу маскан хўжалик ҳисобидаги ўз-ўзини оқлайдиган, харажатларни қоплайдиган кичик корхона ва илмий муассаса бўладики, келтирилган даромадлар ҳисобига қўшимча биноларни қуриш, музей экспозицияларини бойитиш ва атрофни янада ободонлаштириш мумкин.

Энди гап мутасадди ташкилот раҳбарларининг бу муқаддас ва хайрли ишга қандай қарашларига боғлиқ. Улар ўз имкониятларидан келиб чиқиб бу ишларни амалга оширишлари мумкин. Бу эса жумҳурият халқларининг социал маданий ҳаётида энг мўътабар ишлардан бирига айланиши, ижтимоий фанларнинг амалиётга боғланиши бўлур эди. Халқнинг кайфиятини доимо сергаклик билан кўтариш, завқлантириш, эзгулик сари интилиш, инсоний қадриятларни эъзозлаш — маънавий қадриятларимизнинг бош масаласидир.

Омманинг кучайиб бораётган фаоллиги, халқнинг жонли ижодкорлиги — бир сўз билан айтганда инсон омилини янада фаоллаштириш борасида нон музейи — амалий тарбиявий ташвиқот маркази бўлур эди.

Б. АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди.

СПОРТ

ШАХМАТ:
БИРИНЧИ ЎРИН

Донецк областида мактаб ўқувчиларининг «оқ руҳ» Бутуниттифоқ мусобақаси ўтказилди. Анъанавий дона суриш баҳсида Тошкентдаги 50-ўрта мактаб шахматчилари юқори натижа кўрсатишди. Улар барча учрашувларни юқори савияда ўтказиб, қарийб 20 йиллик танаффусдан кейин яна биринчи ўринни эгаллашди.

БОКС:
САРАЛАШ БАҲСИДА

Кустанай шаҳрида касаба союзлари кўнгилли физкультура-спорт жамияти марказий кенгаши чемпионатининг саралаш мусобақалари ўтказилди. Жумҳуриятимиздан 19 нафар боксчи иштирок этган мусобақада 14 нафар спортчи муваффақиятли иштирок этди. Чунончи, навоийлик А. Муротов, бухоролик Қ. Тўраев, самарқандлик Г. Илёсовлар спорт мастери талабини бажаришди. Шунингдек, фарғоналик Х. Турсунов, самарқандлик Р. Панарин билан И. Тоғаевлар ғолиблик супасига кўтарилиб чемпионатнинг ҳал қилувчи учрашувларига йўлланма олишди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:
ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

Будапештда ўтказилган халқаро мусобақада совет спортчилари муваффақиятли белашдилар. Бу ютуққа тошкентлик лангар билан сакраш устаси Виктор Риженков 560 сантиметрли маррани эгаллаш билан муносиб ҳисса қўшди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● БИРИНЧИ ЛИГА. Эртага навбатдаги тур ўйинлари ўтказилади. Ўтган куни икки учрашув бўлиб ўтди: «Зенит» — «Геолог»» — 1:2, «Нефтчи» — «Шинник» — 3:0.

● ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. Дастлабки босқич — 6 гуруҳга бўлинган 24 команда ўртасида ўтказилган саралаш ўйинлари тугаб, нимчорак финалчилар аниқланди. 8 команда чемпионат билан хайрлашишга мажбур бўлди. Охирги ўйинлар 5 ва 6-гуруҳларда бўлиб ўтди: «Бельгия» — «Испания» — 1:2, Жанубий Корея — Уругвай — 0:1, Англия — Миср — 1:0, Ирландия — Голландия — 1:1.

Шундай қилиб Италия, ЧСФР, Камерун, Руминия, Бразилия, Коста-Рика, ГФР, Югославия, Испания, Бельгия, Англия, Ирландия командалари гуруҳларда фахрли ўринларни эгаллаб, нимчорак финалга йўлланма олишди. Энди 6 гуруҳдан яна тўртта команда сараланади. Бунда учинчи ўринни эгаллаган, очколари ва тўплар нисбати яхши ҳисобланган командаларни нимчорак финалчилар сафига қўшиш кўзда тутилган. Ҳозирча Аргентина, Колумбия, Уругвай, Голландия командалари учтадан очко билан курашни давом эттиришга даъвогар бўлиб туришибди. Австрия, Шотландия командаларида иккитадан очко бор. Кеча нимчорак финалчилар ўртасида қуръа ташланди. Дастлабки учрашув бугун ЧСФР ва Коста-Рика командалари ўртасида бўлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ИЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ
«АВТОМОБИЛЬ ИЎЛЛАРИ ВА АЭРОДРОМЛАР ҚУРИЛИШИ»
мутахассислиги бўйича техник-йўл қурувчиларни қисқа муддатли сиртқи ўқишга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҚАБУЛ ҚИЛИНУВЧИЛАР 1215 — шаҳар ва завод ички йўлларини қуриш ва ишлатиш, 1216 — автомобиль йўлларини ва кўприклар қуриш ва ишлатиш, 1219 — кўприклар ва бошқа сунъий иншоотлар, 1221 — аэродромларни қуриш ва ишлатиш мутахассисликлари бўйича ўрта махсус билим юртларини тамомлаган, 45 ёшгача бўлган ва шу мутахассисликлар бўйича 2 йилдан кўп ишлаган мутахассислар бўлиши керак

Ўқиш муддати — 4,5 йил.

Ташкилотлар сиртқи, қисқа курсларда мутахассислар тайёрлашдаги харажатларни қисман қоплайди (бир ўқувчига 1500 сўм пул миқдорида).

Ушбу қисқа муддатли сиртқи ўқишни тамомловчиларга «Автомобиль йўллари» ихтисоси бўйча муҳандис-қурувчи мутахассислиги ва олий маълумот тўғрисидаги диплом берилади. Қисқа муддатли ўқишга имтихонлар ўрнига махсус комиссия суҳбатидан ўтаднлар, суҳбат 5 июлда ўтказилади.

КИРИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ КЕРАК:

ректор номига ариза, ўрта техник маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусха); **меҳнат дафтарчасидан кўчирма; соғлиғи ҳақида справка** (086/У форма); **олти дона фотосурат** (3х4); **паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадор ҳужжат шахсан кўрсатилади.**

1990-91 ўқув йили учун ҳужжатлар 30 июнгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 32-уй, 3-қават, 56-хона, телефон 33-43-02.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлиги.
«ИНКОМС» Болгария фирмаси,
«Узагропромсервис» АДСи
1990 ЙИЛ 26—28 ИЮНДА
ТОШКЕНТДА

«АХБОРОТ ВА КОММУТАЦИЯ СИСТЕМАЛАРИ»

МАВЗУИДА ЯРМАРКА ЎТКАЗАДИЛАР

Фирма фаолияти қуйидагилардан иборат:
— маълумотларни ишлаш ва узатиш;
— кичик электрон-ҳисоблаш машиналари, улар асосидаги системалар ва комплекслар;
— автоматлаштирилган лойиҳа ишлари системаси;
— телекоммутацион аналогли ва рақамли системалар;
— маиший радиоэлектроника;
— монтаж жараёнларини автоматлаштириш учун ўлчов ускунаси;

Кўргазма дастуридан—маърузалар, системалар ва ускуналар намойиши, техникавий ва тижорат сўзлашувлари, ҳамкорлик қилиш юзасидан битим ва шартномалар тузиш ўрин олган.

Харид қилиш шартлари—эркин конверсияланадиган валюта. У — гуруҳ, бартер муаммолари, тайёр маҳсулот.

Кўргазма Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Ирригация» павильонида (Энгельс кўчаси, 107-уй) бўлади.

Кўргазма соат 10.00 дан ишлайди.

Кўргазмага таклиф қиламиз.

33-16-95 телефон бўйича қўшимча маълумот олиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МОДДИЙ ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ ЖУМҲУРИЯТ ТИЖОРАТ-АХБОРОТ БИРЛАШМАСИ

1990 ЙИЛ 27 ИЮНДАН 29 ИЮНГАЧА
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
МАТЛУБОТ УЙИДА

— корхоналар ўртасида хўжалик алоқаларини ўрнатиш ва маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш;
— корхоналар ва ташкилотлар томонидан янги турдаги маҳсулотларни реклама қилиш ва уларга бўлган талаб-эҳтиёжини шакллантириш бўйича

Жумҳурият улгуржи-саноат ярмаркасини ўтказади.
1990 ЙИЛ 29 ИЮНДА
аҳоли ўртасида харидоргир бўлган ишлаб чиқариш-техника мақсадларига йўналтирилган маҳсулотларни сотиш бўйича

КИМ ОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Ярмарка-ким ошди савдоси қуйидаги манзилда ўтказилади; Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 45-уй. Матлубот уйи.

Ярмарка-ким ошди савдосида иштирок этиш ва жой банд қилиб қўйиш учун талабномаларни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: 700038, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй.

41-11-20, 41-32-71, 41-16-60 телефонлари бўйича қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

«СОЮЗТЕАТР» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН БЎЛИМИ
«ИНТУРИСТ» МАДАНИЙ АХБОРОТ МАРКАЗИ БИНОСИДА

1990 ЙИЛ 26 ИЮНЬ, СОАТ 17.00 ДА

Ленин комсомоли мукофоти лауреати Бухоро область «БУХОРЧА» театр-студияси иштирокида

КАТТА КОНЦЕРТ

Билетларни КИЦ кассасидан соат 14.00 дан бошлаб сотиб олишингиз мумкин.

Ўзбекконцерт
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ
СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
1 ВА 2 ИЮЛЬ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист ҚОДИРЖОН МИРАШУРОВ
Хушовоз хонанда Абдурауф ОЛИМОВ.
Сўз устаси, «ҚИЗИҚЧИ—90» кўригининг ғолиби Ҳожибой ТОЖИБОЕВ
Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Навоий номидаги ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитети жамоаси комитетнинг собиқ ходими

Андрей Митрофанович ИВАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг жумҳурият радиоси жамоаси Ўзбекистон радиосининг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири Х. Эшонқуловга онаси

Хадича БЕГИМ ҚИЗИнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• *Дам олиш масканлари*

Тоғ бағрида

Бу ернинг табиати ўзгача. Шарқираб оқиб турган Угомнинг мусаффо суви, мевали ва манзарали довдарахтлар, гулзорлар чамани баҳри дилингизни очади. Ватанимизнинг турли ерларидан келувчилар шу ерда дам олиб, ажиб таассуротлар билан қайтмоқдалар. Ўтган давр мобайнида 50 мингдан ортиқ киши саломатлигини мустаҳкамлади. Фақат ўтган йили 3640 нафар киши ҳордиқ чиқаргани қайд этилди.

Жумҳурият пойтахтига яқин «Хумсон» санаторийсида ишчи-хизматчиларнинг дам олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун етарли шарт-шароитлар бор. Кишилар жисмоний ва руҳий муолажа қилинади. Нафасни мослаштириш, ванна, массаж ва даволаш физкультураси, тишларни даволаш хоналари дам олувчилар ихтиёрида. Тажрибали врачлардан Ҳамиджон Орифжонов, Роза Зелинская, Ханафит Салимяновлар хизматидан кўпчилик мамнун.

Оромгоҳда ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Бу ерда боқилаётган чорва моллари санаторий ишчи-хизматчиларига арзон нархда гўшт қилиб сотилмоқда. Минг квадрат-метр майдондаги теплица хўжалигида помидор, бодринг ва кўкатлар етиштирилиб, дастурхонга тортиқ қилинмоқда. Дам олувчиларга қимиз ҳам бериб турилади. Тоғ бағридан ўзлаштирилган бир гектарли майдондаги узумзор ҳам қийғос ҳосилга кирган.

Келажакда оромгоҳнинг бағри янада кенгаяди. Янги бинолар қуриш мўлжалланган. Санаторийда ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Чунончи, телефон алоқаси Хумсон қишлоғидаги камқувватли АТС-га уланганги сабабли шаҳарлараро алоқага боғланолмайди. Тепаликка ўрнатилган кучсиз антенналар Тошкент ва марказий телевидение кўрсатувларини сифатли олиб беролмайди. Бунинг устига юқори кучланишли электр узатгичлар ишдан чиқиб туради. Кўпинча чироқсиз қолинади. Оқибатда уй-рўзғор, электр асбоблари ишламай қолиб, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ҳам қийин бўляпти. Бундай камчиликларни бартараф этишда район мутасаддилари ёрдам қўлини чўзишса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Т. УНАБОЕВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Харидор баҳоси—холис баҳо

Кейинги пайтда Тошкентдаги жумҳурият «Модалар уйи» ижодкорлари томонидан яратилаётган маҳсулотларга бўлган талаб ошиб бораяпти. Чунки, бу ерда тикилаётган кийим-кечаклар ўзининг бежиримлиги, замонавийлиги ва пишиқ-пухталиги билан харидорлар дидига мос тушяпти. Ҳозир модельерлар ҳар ойда 20 дан зиёд турдаги янги буюмлар нусхаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун жумҳурият трикотаж корхоналарига юборишяпти.

Яқинда харидорлар яна бир қулайликка эга бўлишди. Рассом — модельерларнинг ташаббускорлигини ошириш, уларнинг ижодий ишларига кенг йўл очиб бериш мақсадида «Модалар уйида» янги тажриба цехи ишга туширилди. Эндиликда бу ерда харидорларнинг кундалик талаблари асосида турли хил костюмлар, эркак ва аёллар кўйлаклари ҳамда спорт буюмлари тайёрланмоқда.

— Харидор баҳоси биз учун холис баҳо, — дейди цех инженер-технологи О. Отабоева. Шунинг учун ҳам кўпроқ замонавий, ўзига хос дид билан тикилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қиляпмиз.

Цех жамоаси жорий йилда юз минг дона буюм тайёрлашга аҳд қилган. Айни кунларда дастлабки маҳсулотлар Чилонзорда очилган «Модали трикотаж» фирма магазинида кенг сотувга қўйилди.

Суратда: тажриба цехининг инженер-технологи Д. Отабоева ва илғор тикувчи В. Қаҳҳорова тайёр маҳсулотни кўздан кечиришяпти.

О ЖУРАВЛЕВА суратга олган.
(ЎзТАГ).

ОНА ВА БОЛА СОҒЛИГИ УЧУН

Тошкентда бўлиб ўтган регионал кенгашда она ва бола соғлиғини муҳофаза этиш муаммолари муҳокама қилинди. Унда доялик ва педиатрия марказларининг вакиллари, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қозоғистон министрликлари ҳамда идораларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Кенгаш иштирокчилари регион жумҳуриятларида оналик ва болаликни муҳофаза этиш хизматларининг аҳволини, «Сиҳат-саломатлик» комплекс дастури қандай бажарилаётганини батафсил таҳлил қилдилар, табобатнинг тегишли тармоқларидаги аҳволни тубдан яхшилаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқдилар.

(ЎзТАГ).

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р.—10104. № 142. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12